



HUQUQ

1997-yil 27-avgustdan chiqqan boshlagan

www.huquq.uz

2020-Y. 23-APREL, №16 (1213)

DOLZARB



Коронавирус пандемияси тўфайли жорий этилган карантин шароитида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва озиқ-овқат маҳсулотлари, дори-дармон ва tibбий буюмларларнинг узлуксизлиги ҳамда нарх-наво барқарорлигини таъминлаш прокуратура органларининг бугунги кундаги асосий вазифасига айланган.

Бу борада 1-21 апрель кунлари Бош прокуратура, вилоятлар, туман ва шаҳар прокуратураларида ташкил этилган гуруҳлар, Бош прокуратура хузуридаги департамент ва бошқа идоралар ҳамкорлигида 39 251 та кўчма ярмарка ташкил этилиб, аҳолига 41 457 тонна озиқ-овқат арзон нархларда сотилди.

Олиш ҳамда аҳоли зич яшайдиган маҳаллалардаги фуқароларга махсус жиҳозланган 127 та кўчма дорихона орқали 1 млрд. 135 млн. сўмлик дори-дармон сотилиши таъминланди.

Кимнинг қандайлиги эл бошига иш тушганда билинади. Мана шундай синобли кунларда баъзи мансабдорлар масъулиятсизликка йўл қўяётган бўлса, айримлари ўз нафслари йўлида фойдаланиб қолишни ўйламоқда. Мисол учун, Кармана туманида ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар учун 2020 йил 19 апрелда олиб келинган 8 турдаги озиқ-овқатлар тарқатилмасдан келинаётгани аниқланиб, вилоят прокуратураси томонидан туман ҳокими ўринбосари Ш.И.га нисбатан интизомий жавобгарлик тўғрисида иш қўзга-

тилиб, маҳсулотларнинг тарқатилиши таъминланган.

Шўрчи туманидаги МФЙлардан бирининг раиси С.Ғ. эса корхона раҳбари Ж.Б. билан тил бириктириб, карантин даврида жорий этилган имтиёздан фойдаланиб, тўғридан-тўғри шартнома орқали харид қилинган унинг хар копини 140 минг сўм ўрнига 155 минг сўмдан сотиб, хар бир коп учун чўтал олган.

Ҳолат юзасидан Шўрчи тумани прокурори томонидан маҳалла раисига нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

Департамент, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси билан ҳамкорликда ун, ўсимлик мойи, шакар ва қопилли нон нархи асосиз ошишининг

Аҳоли орасида асосиз ваҳима кўтарилишининг олдини олиш мақсадида карантин чекловларини бузганлик ва касаллик ўчоғига борганлик ҳамда беморлар билан мулоқотда бўлганлик ҳақидаги маълумотларни яширганлик учун жиноий жавобгарлик мавжудлиги ҳақида 11581 та тарғибот тadbири ўтказилди.

Асосиз ваҳима тарқатиш ҳолатлари бўйича 5 та жиноят иши ва 10 та маъмурий иш қўзғатилган.

Бундан ташқари, карантин қоидаларига риоя этмаслик ва ҳокимият вакилига қаршилик кўрсатиш ҳолатлари юзасидан 2020 йил 22 апрелгача 15 та жиноят иши ва 89 521 та маъмурий иш қўзғатилган. Масалан, фуқаро Д.К.

«Beshog'och savdo», «Zem Madzar», «Nur Nazar biznes», «Melange trade» ва «Elit farm organic» МЧЖлар мансабдорлари жамиятларда ишламаган 18 кишини автомашинада ҳаракатланиш ҳуқуқини берувчи махсус рухсатнома олиш учун ишга қабул қилиш ҳақида буйруқ расмийлаштириб, махсус рухсатнома олишга эришган. Мазкур ҳолат юзасидан Миробод тумани прокуратураси томонидан юқорида қайд этилган жамиятларнинг мансабдорлари ва бошқаларга нисбатан жиноят иши қўзғатилган.

Булардан ташқари, Давлат хизматлари марказлари томонидан асосиз рухсатномалар бериш ҳолатлари ҳам маълум бўлди. Жумладан, прокура-

КИМНИНГ ҚАНДАЙЛИГИ ЭЛ БОШИГА ИШ ТУШГАНДА БИЛИНАДИ

олдини олиш мақсадида биржа савдолари устидан кучайтирилган назорат ўрнатилди.

Масалан, 21 апрель кuni Кўштепа тумани ҳокимлиги унни қайта ишлаб чиқариш ускуналари бўлмаган ва фаолият кўрсатмаётган «Ўмид Сардор Доинёр» МЧЖ ва «Қумтепа Кўштепа иссиқ нон» хусусий корхонасини биржа савдоларисиз тўғридан-тўғри ун сотиб олувчилар рўйхатига асосиз киритгани аниқланиб, уларга 17 тонна ун етказиб берилишининг олди олинди.

Ўтган даврда шакарнинг нархи 90,6 сўмга (5269 сўм), пахта мойининг нархи 724 сўмга (9024,5 сўм) арзонлаштирилиши таъминланди.

2020 йил 17 мартдан 22 апрелга қадар департамент ва ДСК томонидан 1144 та ҳолатда жами 2 млрд. сўмдан ортик маҳсулотлар қиммат нархда сотилаётгани аниқланиб, олиб қўйилди ва аҳолига арзон нархда сотилиб, 1038 нафар шахсга маъмурий баённома расмийлаштирилди. Битта пора олиш ва иккита нархни асосиз ошириш жинояти фош этилиб, қатъий чора қўрилди.

Марғилон шаҳридаги дехқон бозори ёнида ИИБ ходими Т.Ш.нинг жамоат жойида никоб тақиб юриш ҳақидаги кўрсатмасига бўйсунмасдан, уни уриб жароҳат етказган. Ҳолат юзасидан Марғилон шаҳар прокуратураси томонидан жиноят иши қўзғатилган.

Автотранспортларнинг ҳаракатини чеклаш борасида махсус гуруҳлар ўтказган рейдлар давомида карантин қоидаларини бузган ҳолда уларга тегишли автомашиналарга махсус рухсатнома олинишига эришган. Ҳолат юзасидан Навоий вилояти прокуратураси томонидан М.О.га нисбатан жиноят иши қўзғатилган.

Тошкент шаҳридаги «Asilbek savdo», «Bexdir», «Hilola», «Shuhratli va qudratli», «Maks-El savdo»,

тура органлари томонидан Навоий шаҳар Давлат хизматлари маркази томонидан 50 та, Фарғона шаҳар Давлат хизматлари марказида 67 та ҳолатда, Бухоро шаҳар Давлат хизматлари маркази томонидан берилган 21 та ҳолатда автотранспорт воситаларига асосиз рухсатнома берилгани аниқланиб, барча рухсатномаларнинг бекор қилиниши таъминланди.

Коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши кураш, даволаш, дори-дармон ва tibбий жиҳоз ҳамда бошқалар учун ажратилган маблағнинг сарфланиши ҳам ўрганиб берилмоқда. Мисол учун, Куйичирчик тумани tibбиёт бирлашмаси мансабдорлари коронавирус инфекциясининг олдини олишда зарур бўлган 5,5 млн. сўмлик 10 донна теплотермометрни ўзлаштиргани аниқланган. Ҳолат юзасидан туман прокуратураси томонидан бирлашма мансабдорларига нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

Парда НАРЗИЕВ,
Бош прокуратура бошқарма катта прокурори



2020 йил 22 апрель
соат 19:00 ҳолатига



Касалланганлар
1692 нафар



Соғайганлар
450 нафар



Вафот этганлар
7 нафар

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ВА ТАДБИРКОРЛИК МУҲОКАМАСИ

БУ БОРАДА АНИҚ ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Ўтган ҳафтада Бош прокурор ўринбосари Саидлазиз Саидкаримов раислигида коронавирус пандемияси туфайли жорий этилган карантин шароитида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ҳамда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича прокуратура органларининг вазифаларига бағишланган аудиоселектор йиғилиши ўтказилди.

Йиғилишда Бош прокуратура ва ҳудудий штаблар ҳамда гуруҳлар аъзолари, вилоят, туман ва шаҳар прокурорлари, Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти бошлиғи, департаментнинг ҳудудий бошқармалари ҳамда туман ва шаҳар бўлимлари бошликлари катнашди.

Таъкидландики, ҳозирги вазиятда ҳар бир давлат органи ва масъуллардан юртимизда инфекция тарқалишининг олдини олиш, унинг давлат ва жамият ҳаётига, фуқароларнинг қудалик турмушига салбий таъсирини камайтиришда алоҳида масъулият талаб этилади. Глобал инқироз ва пандемия шароитида прокуратура органлари амалга оширадиган вазифалар бўйича Бош прокурор ўринбосари томонидан барча даражадаги прокурорлар ҳамда департамент бошлиқларига аниқ кўрсатмалар берилди.

Айниқса, ёрдамга мухтож, ёлғиз яшайдиган, ишсиз фуқароларни ижтимоий ҳимоялашга эътиборни кучайтириш зарурлиги таъкидланди. Жумладан, прокурорлар секторидида шароити оғир вақтинча даромад манбаини йўқотган беш мингта оилага молдий ёрдам кўрсатиш бўйича вазифалар белгилаб берилди.

Иш ҳақи, пенсия, нафақа ва бошқа тўловлар ўз вақтида тўланишига оид қонунлар ижроси устидан назоратни кучайтириш лозимлиги қайд этилди.

Маълумки, карантин жорий этилиши муносабати билан кўплаб ҳаётини масалалар, айниқса аҳолини озиқ-овқат, дори-дармон, тиббий никоб ва бошқа воситалар билан узлуксиз таъминлаш масаласини зудлик билан ҳал этиш зарурати юзага келди.



Бу борада прокуратура органлари ташаббуси билан мунтазам равишда арзонлаштирилган ярмаркалар ташкил этилмоқда, бозорларга энг зарур озиқ-овқатлар ишлаб чиқарувчилар нархиди киритилаяпти. Шу жумладан, Аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз ва қулай таъминлашнинг вақтинчалик тартиби асосида I апрелдан буён 25 826 та кўчма савдо расталари ташкил этилиб, улар орқали чекка ҳудудларда яшовчи аҳолига 28 737 тонна озиқ-овқат етказиб берилди.

Махсус жиҳозланган 127 та кўчма дорихона орқали 979,7 млн. сўмлик дори ва тиббий буюмлар сотилиши таъминланди.

Давлат халққа шунча қайишаётганига қарамасдан, айрим ҳудудларда нархларни асосиз ошириш, савдо масканларида санитария-эпидемиология қоидаларига риоя этмаслик ҳолатлари ҳам кузатилаёпти. Шу боис зарур маҳсулотларни узлуксиз етказиб бериш ва нарх-наво барқарорлигини таъминлаш устидан назоратни кучайтириш лозимлиги кўрсатиб ўтилди. Хусусан, прокурорлардан жойларда ушбу маҳсулотлар таъминотини, шунингдек, лабораторияларда коронавирус инфекциясини аниқлаш учун зарур воситалар захираси етарлигини доимий ўрганиб бориш, вужудга келмаётган муаммолар бўйича Бош прокуратурага зудлик билан таклиф бериш талаб этилди.

Департамент органлари раҳбарларига мутасадди идоралар билан ҳамкорликда суъий тақчилликнинг олдини олиш, кўчма савдо расталарини ташкил этишда ҳудуддаги аҳоли сони ва жойлашувини ҳисобга олиш, бозор ва савдо мажмуаларига к и р и ш - ч и қ и ш д а дезинфекция ишларини ташкил этиш,

уларда ижтимоий масофа сақланишини таъминлаш топириги берилди.

Коронавирус инфекциясининг иқтисодий таъсирини юмшатиш, зарур соҳаларда тадбиркорликни ривожлантириш бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир. Шу сабабли тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, карантин, санитария ва гигиена талабларига риоя этган ҳолда уларнинг фаолияти тўхтаб қолишига йўл қўймастик чораларни кўриш, солиқ, кредит ва коммунал тўловлар бўйича берилган имтиёزلарнинг тўлиқ қўлланиши устидан назоратни кучайтириш лозимлиги алоҳида қайд этилди.

Бу йўналишда ҳудудий прокурорлар томонидан қисқа вақтда мутасадди идоралар билан ҳамкорликда кўрилган чоралар натижасида турли сабабларга кўра ишламаётган 289 та экспортчи корхонанинг фаолияти тикланди, 58 та корхонага айланма маблағини шакллантириш учун 153,5 млрд. сўм кредит ажратилиши таъминланди.

Айни вақтда бу борада баъзи тармок ва ҳудудларда сусткашликка йўл қўйилгани ҳам таъкидланди.

Айрим ҳудудларда экспортчиларнинг муаммоларини ўрганиш ва бартараф этишга қўмаклашиш бўйича ишлар самарали ташкил этилмаган.

Айниқса, 3379 нафар экспортчи, шунингдек, 30 дан ортиқ иш ўрнига эга йирик озиқ-овқат ишлаб чиқарувчиларининг ҳар бирига прокуратура ходимларининг бириктириш орқали уларнинг фаолиятида юзага келмаётган муаммоларни аниқлаш ва тез ҳал қилиш бўйича вазифалар белгиланди.

Шу билан бирга, прокурорлардан экспорт прогнози бажарилиши бўйича топириқларга масъулиятсизлик билан ёндашган, тадбиркорларга ёрдам бериш ўрнига суистеъмомчилик қилган мутасадди идораларнинг раҳбарларига нисбатан жиноят иши кўзатишгача бўлган кескин чоралар кўрилиши талаб этилди.

Департаментнинг 516 та карантин постига бириктирилган ходимларига юк ташишда турли тўсиқ ва муаммолар вужудга келишининг олдини олиш юзасидан қатъий чора кўриш топирилди.

Бундан ташқари, бюджет тушуми ижросини таъминлаш ва янги тушум манбаларини аниқлашга қўмаклашиш, давлат ва ҳудудий инвестиция дастурлари ижроси устидан назоратни кучайтириш топириги берилди.

Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш чоралари доирасида прокурор секторларида ғалла парварлиши, чигит экилиши, аҳоли томорқаларидан тўлиқ фойдаланилишини таъминлаш зарурлиги алоҳида қайд этилди.

Карантин даврида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бир зум ҳам тўхтатилмади. Бунда фуқароларнинг карантин қоидаларига сўзсиз риоя этишини таъминлаш, аҳоли орасида ваҳима келтириб чиқаришга уринишларнинг олдини олишга алоҳида эътибор қаратиш кераклиги кўрсатиб ўтилди.

Коронавирус инфекциясига чалинган беморлар билан мулоқотда бўлган фуқароларни тез аниқлаш ва уларнинг саломатлигини назоратта олиш бўйича прокуратура ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органларда ташкил этилган тергов гуруҳлари фаолиятини кучайтириш, бу борада санитария-эпидемиология назорати хизматлари билан ҳамкорлик қилиш юзасидан топириқлар берилди.

Йиғилиш якунида прокурорлар ва департамент раҳбарларидан пандемия шароитида қонун ҳужжатлари билан мутасадди идораларга юклатилган вазифалар сўзсиз ва ўз вақтида бажарилиши устидан назоратни кучайтириш, ҳар қандай қонунбузарликка нисбатан қатъий муносабат билдириш талаб этилди.

Йиғилишда йўл қўйилган хато ва камчиликлар бўйича ҳудудий прокурорлар ва департамент бошлиқларининг тушунтириш ҳамда изоҳлари тингланди. Масъулиятсизликка йўл қўйган ва талабчанликни суъайтирган раҳбарлар лавозимидан озод қилиниши мумкинлиги ҳақида огоҳлантирилди.

Беҳзод ИСМОИЛОВ,
Бош прокуратура бошқарма бошлигининг ўринбосари



ҲАҚЛАРИ УНДИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 43-моддасида «Давлат фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустақамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлайди» деб белгилаб қўйилган. Ушбу норманинг бажарилиши Денов тумани прокуратураси ходимлари томонидан алоҳида назоратга олинган бўлиб, келиб тушаётган ҳар бир мурожаат синчиклаб ўрганилаёпти, фуқароларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланмоқда.

Масалан, тумандаги «Ўринбадал» фермер хўжалиги раҳбарининг «Интер силк про» МЧЖдан 2019 йилда топширилган пилла ҳақини ундиришда ёрдам сўраб қилган мурожаати ўрганилди. Маълум бўлишича, фермер хўжалиги 2019 йилда тузилган шартномага биноан «Интер силк про» қўшма корхонасига 9 300 минг сўмлик 890 килограмм пилла топширган. Бироқ корхона шартномани бузиб, пилла ҳақини ўз вақтида тўламаган. Прокуратуранинг аралашуви билан 2020 йил 11 мартда вилоят Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорка ер эгалари кенгаши томонидан «Ўринбадал» фермер хўжалигининг манфаатини кўзлаб, асосий қарз ҳамда унга ҳисобланган 3 385 200 сўм пенини ундириш ҳақида Денов туманлараро икисодий судига даъво аризаси киритилди.


Шунингдек, фуқаролар Ж.Солиев, А.Абдуллаев, М.Мардонов, А.Шерлонов, С.Хасанов, И.Халилов, А.Тўрақулов, И.Омонов ва И.Ортиқовнинг вилоят қишлоқ хўжалиги бошқармасидан иш ҳақини ололмаётгани ҳақидаги мурожаати ўрганилди. Аризачилар бошқармада 2020 йил февраль ойидан ишлаб келишган бўлса-да, иш берувчи уларга жами 9 045 минг сўм пулни тўламагани аниқланиб, прокуратуранинг аралашуви

билан ходимларнинг иш ҳақи ундириб берилди.

Куйидаги ҳолатда ҳам прокуратуранинг аралашуви зарур бўлди. «Сурхондарё пахта уруғчилиги» МЧЖдан иш ҳақини ололмаётгани ҳақида мурожаат қилган фуқаро С.Фахриддиновнинг аризаси ўрганилганда маълум бўлишича, у МЧЖда мавсумий ишчи сифатида ишлаб келган. Шунингдек, жамият томонидан 2020 йил февраль ойида мажбурий ушланмалар билан бирга 2 185 824 сўм иш ҳақи ҳам ҳисобланган экан. 2020 йил 16 март куни С.Фахриддиновнинг банк пластик картасига 500 минг сўм ўтказиб берилиши таъминланди.

Бундан ташқари, С.Фахриддиновга мажбурий ушланмалардан ташқари яна 1 101 667 сўм тўланиши лозимлиги аниқланиб, вилоят давлат меҳнат инспекцияси томонидан «Сурхондарё пахта уруғчилиги» МЧЖдан 1101667 сўм иш ҳақини ундириш юзасидан суд буйруғи чиқариш ҳақида фуқаролик ишлари бўйича Денов туманлараро судига ариза киритилди.

Миржалол ЧОРИЕВ,
Денов тумани прокурорининг катта ёрдамчиси



МУЗЕЙ ЯНГИ МАЪЛУМОТЛАР БИЛАН БОЙИТИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси мамлакат Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги «Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг 75 йиллигини муносиб нишонлаш тўғрисида»ги қарори ижроси юзасидан қатор ишларни амалга оширмоқда. Хусусан, ўзбекистонлик жангчиларнинг жасорати ва ғалабага қўшган ҳиссаси ўрганилмоқда.

Айниқса Россия бош Ҳарбий прокуратураси ҳамкорлигида Иккинчи жаҳон урушидаги ғалабага катта ҳисса қўшган, мислсиз жасорат кўрсатган Ўзбекистон фарзанди, генерал-майор Собир Умар ўғли Раҳимовнинг Россия мудофаа вазирлиги марказий архивда сақланаётган шахсий йиғмажилдидаги ҳужжатлардан нусха олинди, тўпلام ҳолида мамлакатимизга келтирилиши муҳим аҳамиятта молик воқеа бўлди.

Тўпلامда генерал-майор Собир Раҳимовнинг ҳаёти, шахсий хислатлари, ҳарбий хизмат ўтаган жойлари, эгаллаган лавозимлари, унга берилган ҳарбий унвонлар ва давлат мукофотлари, фашизмга қарши курашдаги қаҳрамонликлари, ўта оғир вазиятларда кўрсатган матонати ҳамда қўмондонлик ва аскарлар томонидан юксак кадрлангани ҳақидаги маълумотлар акс эттирилган бўлиб, бу ҳужжатлар ўқувчида катта таассурот қолдиради.

Мазкур тўпلام қаҳрамон аждодимизнинг тарихини чуқур ўрганишга имконият яратиш мақсадида пойтахтимизда барпо этилаётган Ғалаба боғидаги «Шон-шараф» музейида сақлаш учун Мудофаа вазирлиги вакилларига топширилди.

Равшан ЖАЛИЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси бўлим бошлиғи

ХАЛҚ САЛОМАТЛИГИНИ ЎЙЛАБ...

Ўзбекистонга коронавирус кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш юзасидан чора-тадбирлар дастурини тайёрлаш бўйича республика махсус комиссияси ва Коронавируснинг тарқалишига қарши курашиш чора-тадбирларини мувофиқлаштириш ва хавфсизлигини таъминлаш бўйича махсус штабнинг 13 апрель куни бўлиб ўтган қўшма йиғилишида бажарилиши лозим бўлган бир қатор вазифалар белгилаб берилди.

Шулардан келиб чиққан ҳолда 18 апрель куни Ўзбекистон Республикаси транспорт прокурори вазиасини бажарувчи М.Ходжаев ташаббуси билан Сирғали тумани Авиасозлар шаҳарчаси аҳолисига озиқ-овқат ва кийим-кечак етказиб бериш учун Тошкент авиация транспорти прокурори Ш.Мамажонов, департаментнинг Тошкент шаҳар бошқармаси бошлигининг ўринбосари И.Шукуров ва бошқа сектор раҳбарлари ҳамкорлигида кўчма ярмарка ташкил қилинди.

Бундай тадбирлар жойлардаги транспорт прокуратуралари томонидан назорат ҳудудидаги стратегик ва фаолияти узлуксизлиги таъминланаётган корхона ва ташкилотларнинг ходимлари учун ҳам ташкил этиб келинмоқда.

Жумладан, 19 апрель куни

Фаргона транспорт прокуратурасининг ташаббуси билан «Кўкон минтақавий темирйўл узели» унитар корхонаси тизимидаги Кўкон локомотив депосида темирйўлчилар учун кўчма ярмарка ташкил этилиб, 30 турга яқин озиқ-овқатлар арзон нархларда сотилди.

Шунингдек, транспорт тизимида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш ҳам назоратга олинган. Масалан, 19 апрель куни «Кўкон минтақавий темирйўл узели»нинг транспорт цехи хайдовчиси Ф.Имомназаров хизмат юзасидан бириктирилган «Тоуота» автомобилида ўзига таниш бўлган тадбиркор М.Алиязарова ва унинг воёга етмаган фарзанди И.Мамажоновани озиқ-овқат маҳсулотлари билан Чодак бекатидан Орузбекатига қадар олиб ўтувчи

19,2 километрлик эвакуацион ҳудуддан олиб ўтаётган вақтда ушланган. Ҳозир суриштирув олиб борилмоқда.

Шунингдек, 18 апрель куни «Yulduz S.X» хусусий корхонасига қарашли «Yutong» русумли автобус Тошкент шаҳридан Қорақалпоғистонга 51 нафар йўловчинини олиб кетаётгани аниқланиб, ушланган. Автобус хайдовчиси Е.Егабаев МЖТКнинг 54-моддаси билан жавобгарликка тортилган. Автобус жарима майдонида жойлаштирилган.

Инфекция тарқалишининг олдини олиш, транспорт ҳамда аҳоли хавфсизлиги таъминлаш борасидаги ишлар давом эттирилмоқда.

Алишер ИБРАГИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Транспорт прокурорининг
катта ёрдамчиси

КЎЧМА ЯРМАРКАЛАР ХАЛҚ ХИЗМАТИДА

Бугун бутун дунёда Covid-19 инфекцияси тарқалишининг олдини олиш борасида кенг қўламли чоралар кўрилмоқда, жумладан, Ўзбекистонда ҳам. Коронавирус инфекциясига қарши курашиш учун юртимизда карантин жорий қилинган.

Жаҳон тажрибасида бўлгани каби республикамизда ҳам карантин ҳудудлари ва объектлари, ички кириш-чиқиш блокпостлари ва уй шароитида карантинда бўлган фуқароларимиз муофазасини таъминлашга Қуроли кучлар жалб этилгани бежиз эмас.




Шундай вазиятда кучайтирилган тартибда кеча-кундуз хизмат килаётган ҳарбийларимизнинг оила аъзоларига кундалик эҳтиёжлар учун зарур маҳсулотларни узлуксиз етказиб бериш ҳарбий прокуратура органларининг долзарб вазифаларидан ҳисобланади. Шу мақсадда Чирчиқ ҳарбий прокуратураси маҳаллий тадбиркорлар билан ҳамкорликда Тошкент вилояти Бўстонлик туманидаги чегараолди ҳудудда жойлашган «Бурчмулла» маҳалла фуқаролар йиғинида ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари ва аҳоли учун кўчма ярмарка ташкил этди.

Ярмаркада 30 га яқин асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва озиқ-овқатлар арзон нархда сотилди. Санитария-эпидемиология қондалари, шу жумладан икки метрлик ижтимоий масофа сақланиши ва ҳудуд мунтазам равишда махсус суюқликлар билан зарарсизлантириб турилиши таъминланди.

Азизбек АБДУРАХМАНОВ,
Чирчиқ ҳарбий прокурорининг ўринбосари

«Доимий прописка қилиш ҳамда турган жойи бўйича ҳисобга олиш тартибини ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент Фармони қабул қилинди.



МУҲТОЖ АЁЛ РОЛИДА

«Менга ёрдам керак. Карантин қоидаларига амал қилиб, уйда ўтирибман. Бугун икки фарзандим билан дастурхонимиздаги охириги нонни еб бўлдик. Бизга ёрдам берсаларингиз беринг, акс холда ижтимоий тармоққа чиқиб, сизларни обрўсизлантиришга мажбур бўламан. Шу бугун менга озиқ-овқат олиб келинг. Манзилимни маҳалла раисидан сўрасаларингиз айтади. Ўзи бераётган маҳсулотларингиз истеъмолга яроқлими? Менга олиб келадиган нарсаларингизнинг дезинфекциясини кўз ўнгимда, уйимга олиб келганингизда қилиб беришин».

Туманда ташкил этилган хайрияларни мувофиқлаштириш марказига келган ушбу хабар мутасаддиларни эътиборсиз қолдирмади. Хабар эгасини астойдил излади, сўраб-суриштирмаган маҳалламиз қолмади. Аммо камбағал, ижтимоий кўмакка муҳтож оилалар орасидан муружаатчини тополмадик. Фақат вақтимиз кетгани, ишимиз самарасиз бўлгани учун асабимиз бузилгани қолди.

Орадан уч кун ўтиб, худди шу рақамдан яна бир хабар келди. Буни қаранг, биз кўпайлашиб излаб тополмаган аёлнинг 1197 рақамига кўнгирак қилгани маълум бўлди. Аниқланган манзил бўйича муружаатчининг уйига йўл олдик. Маҳалла раиси бошлаб келган дарвоза ёнида турган сўнгги русумдаги автомашина, дангиллама хонадон муружаатчига тегишли экан. Олиб келган хайриямиз билан дарвоза ҳатлаб кирар эканмиз, ҳовли четида боғлаб қўйилган ит ақиллагач, ўзига оро берган аёл уйдан чиқиб келди. Марказда хизмат қилаётган кўнгириллар опага олиб келинган маҳсулотларни бериш чоғида дашном ҳам эшитиб қолдик.

– Нима, сизларга қилинган муружаат бир ҳафтада етиб борадими? Оёғим бозорга етганда, сизларга хабар юбориб ётмасдим. Шаҳар марказида яшасак-да, бозорга, дўконларга чиқмасдан, карантин қоидаларига амал қилиб уйда ўтирибмиз. Бу маҳсулотларингиз ўзи сифатлими? Яроқлилик муддати тугаб қолгани йўқми? Ие, пошманлар. Мен маҳсулотларини кўз ўнгимда дезинфекция қилиб беринглар дегандин-ку. Чақиринглар, бу маҳсулотларни дезинфекция қилиб берганларингиз кейин оламан. Унча сизлар ҳам кетмайсизлар. Ўзи берадиган нарсаларингиз мунчагина, яна расмга туширишларингиз нимаси? Мени, ҳовлимизни расмга туширманглар. Боз устига берган нарсаларингиз уч кунгагина етди, менга бир ойга стадинг маҳсулот ташлаб кетинглар. Йўқса, яна ижтимоий тармоққа Президентимиз қарорига қарши бўлишайпти, ночор оилаларга ҳеч ким эътибор бермайди деб чиқаман-да барингиз шарманда қиламан. Асл башараларингизни бутун дунё кўради. Ночоргина, ёрдамга муҳтож аёл ролини ўйнаш менга қийинлик қилмайди.

Тўғриси, аёлнинг гаплари сабр қосамни тўлдириб юборди. Раиснинг хатти-ҳаракатидан билдикки, аёлга гапириш, вазиятни

тушунтириш бефойда. Марказнинг бир кунлик иши ҳақидаги ҳисоботни расми билан топширдим. Навбатдаги топширикни бажарар эканман, мансабдорлардан бири кўнгирак қилиб ёнига чақирди. Қўлимга охириги борган манзилимизнинг суратини тўтказар экан, «Бу суратларни иловага қўшманг. Бугунги маълумотлар учун ўнга сурат етди. Ўн биринчиси эса ортиқча» деди. Табиийки, бу гап менга ёқмади. Шу расм қилини, нима учун олиб ташлангани кераклигини сўраб астойдил тортиндим. Қайсарлигимни тушунди шекилли, ака шу хонадон соҳиби, аёл эса турмуш ўртоғи эканлигини айтишга мажбур бўлди.

Эртасига аёл қилмишидан пушаймонлигини айтиб, берган маҳсулотларимиздан ортингани олиб келиб, хайрияларни мувофиқлаштириш марказига топшириб кетди. Ўша куни тумандаги 38 нафар ижтимоий ҳимояга муҳтож оилага хайриялар етказиб берилди.

Орамизда ижтимоий тармоқларда давлатимиз кўрсатаётган эътибор ва меҳрин нотўғри талкин қилиб, ношукурлик қилаётганлар ҳам йўқ эмас. Коронавирус пандемиясини енгишимиз учун юртимизда етарлича эътибор кўрсатилиб, хайриялар қилинапти. Ҳуқуқимизни билганимиздек, бурчимизни ҳам англаб етган ҳолда борижа қаноат қиладиган вақт келди назаримда.

Эҳ, эл бошига иш тушган чоғда айрим ватандошларимизнинг асл юзи очилиб қолмоқда. Биздан фақат уйда қолиш сўралмоқда. Оддий халқ карантин қоидаларига имкон қадар амал қилмоқда. Аммо айрим мансабдорларнинг фарзандлари, қариндош-уруғи-юганиш-билиши карантин талабларини бажаришга ҳаракат ҳам қилаётгани йўқ.

Нега дейсизми, зарур юмуш билан кўчага чиққудек бўлсангиз катта йўлда фақатгина сўнгги русумдаги, рақамлари бир хил автомашиналарни учратасиз. Яёв кетаётганингизда дерзасизга парда тўтилган машина ёнингизда тўхтаб, манзилингизга етказиб қўйиш эвазига икки хисса нарх айтади. Бу ниманинг белгиси?! Қачон оғир кунда бир-бирини таламайдиган, аксинча, қўллайдиган халққа айланамиз?

Нигина ШОЕВА,
журналист

МИННАТДОРЛИК

Бугунги кунда барча миллатлар инсониятга ҳавф солаётган коронавирус инфекциясига қарши курашмоқда. Ўзбекистонда бу борада олиб борилаётган кенг қамровли чора-тадбирлар ҳар бир инсон давлат ва жамият эътиборидан четда қолмаётганини исботлаяпти.

Фуқароларнинг саломатлигини сақлашга катта пул ажратилиши, иш ҳақи сақланган ҳолда таътил берилиши, тадбиркорларга берилаётган имтиёزلар синовли кунларда халқимизга далла бўлмоқда.

Аҳоли саломатлигини сақлаш, камбағал ва кексаларнинг ҳолидан хабар олинаётгани давлатимизнинг ғамхўрлигидан далолат.

Бош прокуратура томонидан биз фахрийларга гўшт, мой, тухум ва бошқа озиқ-овқатлар ҳамда тиббий воситалар улашилмоқда. Бундан ташқари, доимий равишда телефон орқали фахрийларнинг соғлиги сўраб турилибди, муҳтожларга ўз вақтида тиббий ва бошқа ёрдам кўрсатилмоқда.

Бош прокурор раҳбарлигида ватан тинчлиги, халқ фаровонлиги йўлида хизмат қилаётган прокуратуранинг барча ходимларидан миннатдоримиз.

Сovid-19 пандемиясининг олдини олиш ва унга қарши курашишда бирдам бўлсак, бу балодан албатта халос бўлаемиз. Zero, ҳамжиҳат халқ енгилмайди.

Эгамберди РЎЗИЕВ,
прокуратура фахрийси, Самарқанд вилояти

JINOYAT HAQIGATI VA ADOLATI

«ҲОЖАТБАРОР»НИНГ ҚИЛМИШИ

– Ҳа, опажон, нималар қилиб юрибсиз? – деди Бахтиёр Ҳалимов Қашқадарё вилояти ички ишлар бошқармаси миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармаси ёнида юрган нотаниш аёлга.

– Бу ерга келган одам нимадан қилиб юриши мумкин? – деди аёл бегона кишига шубҳаланиб қараб. – Шу... паспорт ташвиши...

– Бошқарманинг бошлиғи яқин танишим бўлади, гаплашиб беришим мумкин, – дея ваъдани катта қилди «Ҳожатбарор».

Шу баҳона гап қовушиб, танишиб олишди. Аёлнинг исм-фамилияси Моҳичехра Зоҳирова экан.

– Ўзим Туркияда ишлаймам, – деди у Бахтиёрга. – Бу сафар кизим Индириям олиб кетишим керак. У ҳали вояга етмаган. Чет элга чиқиши учун паспорт расмийлаштиришим керак...

– Ёрдам берамиз сизга, – деди Бахтиёр аёлга сездирмасдан атрофга олазарак қараб олиб. – Айтдим-ку, ичкаридаги каттаконлар билан қалинман. Хужжатларни ҳам навбатсиз топширираман. Ўзим гаплашиб берман паспортни. Дарров тўғрилаймиз. Овора бўлиб юрмайсиз.

Моҳичехра вақти тигиз бўлгани учун ҳожатбарор топилганидан қувониб кетди.

– Яшанг, раҳмат, барака топинг, – деди у Бахтиёрга гўё иши битгандай қувониб.

– Хўш, унда бундай қиламиз, – деди Бахтиёр. – Бугун ўн еттими, демек, йигирма иккинчида шу ерга кўришамиз. Хужжатларни тўлиқ қилиб олиб келинг. Бошқа ҳеч кимга учрашиб юрма...

Айтилган санада улар яна бошқарма ёнида кўришишди. Бахтиёр аёлнинг қўлидан хужжатларини олиб, ичкарига кириб кетди. Ярим соатдан сўнг қайтиб чиқиб, топширганини, бошқарма бошлиғи орқали пойтахтдан кодни олганини, пу код бўйича тўловларни амалга ошириш зарурлигини айтди. Сўнг Моҳичехра билан банкка борди. Ундан пул олиб, 200 000 сўм тўлаб, қолганини қайтариб берди.

– Кеч соат еттиларда кўришамиз, – деди Бахтиёр. – Топсангиз юз, ҳеч бўлмаса, эзлик доллар оқеласиз. Бошликка берамиз... Ишингиз ҳам хал бўламан деб қолди...

Моҳичехра ўйлашиб қолди.

Оқшомгача Бахтиёр Моҳичехрага бир неча бор кўнгирак қилиб, пулни сўради. Ниҳоят, аёл унга Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий-амалий маркази Қашқадарё филиали ёнида кўришишларини айтди.

Айтилган жойда Бахтиёр аёлдан 400 000 сўмини олган чоғида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари томонидан қўлга олинди.

Жиноят ишлари бўйича Қарши шаҳар судининг «Комилон» маҳалла фуқаролар йиғинида ўтказилган сайёр суд мажлисида мазкур жиноят тафсилотларига ойдинлик киритилди.

Маълум бўлишича, судланувчи Бахтиёр Ҳалимов 1971 йилда туғилган. Маълумоти олий, вақтинча ишсиз. Оилали, уч нафар фарзанди бор. Мукаддам жиноят ишлари бўйича Китоб тумани судининг ажримига асосан уни айблаганга доир жиноят иши амнистия шарофати билан тугатилган.

Бахтиёр Ҳалимов судда айбига тўлиқ иқрорлигини билдирди. Моҳичехра Зоҳировани алдаб, пулни олмоқчи бўлганини, аслида бошқармада ҳеч қандай таниши йўқлигини маълум қилди ва қилмишидан пушаймонлигини айтиб, суддан қонуний енгиллик сўради.

Судланувчининг айби ўз иқроридан ташқари гувоҳларнинг кўрсатувлари ва суд экспертизаси хулосаси билан ҳам исботланди.

Суд ҳукмига кўра Бахтиёр Ҳалимовга базавий ҳисоблаш миқдорининг эзлик икки баробари миқдоридан жарима жазоси тайинланди.

Пулга зориқиб тургани сабабли 400 000 сўм олиб, ўн миллион сўмдан ортиқ жарима тўлаган Бахтиёр Ҳалимов қилмишидан сабоқ чиқариб олган бўлса ажабмас...

Равшан ХУРРАМОВ,
Қашқадарё вилояти прокуратураси бўлим бошлиғи

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ҲИМОЯСИ ЙЎЛИДА

Юртимиз суд тизимида маъмурий судларнинг ҳам ўз ўрни бор. Ушбу судлар томонидан кўрилган ишларнинг аксарияти давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ва мансабдор шахсларнинг қонун ҳужжатларига мос келмайдиган ҳамда фуқаролар ёки юридик шахсларнинг қонун билан кўрикла-надиган манфаатларини буздиغان қарорларини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги низолар ҳақидадир. Судларда ишни кўришда прокурорнинг иштироки эътибор муҳим аҳамиятга эга.

Шу боис Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартдаги «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили" да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисидаги фармонида судларда прокурор иштирокини таъминлашга доир устувор вазифалар белгиланди.

Хусусан, фармонга мувофиқ суд қарорларининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини қайта кўриб чиқиш тартибини илгор ҳорижий тажрибадан келиб чиққан ҳолда такомиллаштириш, фуқаролар учун одил судловга эришиш имкониятини кенгайтириш мақсадида апелляция ва кассация инстанцияларини ислоҳ қилиш, назорат тартибиде иш юритиш институтини бекор қилиш назарда тутилмоқда.


Шунингдек, фармонга кўра маъмурий суд ишларини содда-лаштирилган тартибда юритиш механизмлари жорий қилинади. Чунки бу давлат бошқаруви органларининг қонун ҳужжатларини нотўғри талқин қилиши ва қўллаши натижасида фуқароларнинг бузилган ҳуқуқ ва манфаатларини тиклаш ҳамда маъмурий низо-ларни тез ҳал қилиш имконини беради.

Хулоса ўрнида айтиш мумкин бўлсаки, бугунги кунда моддий-маъмурий ҳуқуқ нормаларининг ривожланиб бориши маъмурий-процес-суал қонунчилиги ҳам ривожлантиришни тақозо этмоқда. Маъмурий судга ижро ҳокимияти субъектлари томонидан тақиқлаш, руҳсат, буйруқ, кўрсатма бериш, назорат қилиш, рўйхатга олиш ва шу каби бошқарува оид ҳаракатларни амалга ошириш бўй-ча шикоятлар сонининг ошиб бориши бу соҳадаги қонунчилиги такомиллаштиришни талаб қилмоқда. Шу боис бу борада илгор халқаро стандартларни миллий қонунчиликка босқичма-босқич имплементация қилиб, инсон ҳуқуқлари ҳимояси қафолатларини кучайтириш лозим бўлади.

Жўрабек РАХМАНОВ,
Хоразм вилояти прокурорининг катта ёрдамчиси

СОҒЛОМ ОИЛА – СОҒЛОМ ЖАМИЯТ АСОСИ

Ҳар бир шахс оилада камолга етади. Унинг келажакда қандай инсон бўлиб етишиши шу оиладаги муҳитга боғлиқ. Шунинг учун мамлакатимизда оилалар мустақкамчилигини таъминлаш, жамият фаровонлигини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилади.



Айримлар муносабатларга апутур етиб, оила парокандалик ёқасига бориб қолганидан кейингина уни сақлаб қолиш чорасини излай бошлайди. Оилавий муносабатларга дарз кетган аксарият ҳолатлар тахлил қилинганда бунга эркак ҳам, аёл ҳам ўз вазифасини тўлиқ англамаслиги, зиммасидаги масъулиятни ҳис қилмаслиги сабаб бўлгани аён бўлади.

Эр ва аёлнинг бир-бирини тушуниб яшаши, оғир кунларда қўллаб-қувватлаши, қувончини баҳам кўриши, ота-оналарга ҳурмат кўрсатиш, фарзандларни тўғри тарбиялаш, биргаликда қарор қабул қилиш ва бошқа катор омиллар оила мустақкамчилигини таъминлайди.

Оила «Сенга уйланганимдан уйланганим яхши эди», «Эркак ҳам шундай ношуд бўладими?» қабилдаги мало-матлардан дарз кетади. Демак, оила бошлиғи ҳам, беҳаси ҳам тарбияли, билимли, мулоҳазали бўлиши шарт. Тахлиллар шуни кўрсатадики, жиноятга қўл ураётган болалар асосан нотўғри оилаларда вояга етмоқда. Хўш, оила барқарор бўлиши, фарзандларга тўғри тарбия бериш учун нималарга эътибор қаратиш керак?

Авалло оила аъзоларининг вақтинги тўғри тақсимлаш зарур. Ота-она китобга меҳр қўйса, болалар ҳам китоб ўқишга одатланади. Китоб эса инсонга сабр-тоқатни ўргатади. Мулоқот маданиятини шакллантиради. Тан олиш керакки, бугун оилаларда самимий мулоқот камайгандек. Ҳар ким ўзи билан овера. Ҳар кимнинг қўлида телефон. Фарзандларимиз бирон савол билан мурожаат қилса, энсамиз қотади. Унга маслаҳат

беришдан кўра бирон ошнаимиз билан телефонда гаплашишни, виртуал оламда дайдишни афзал биламиз.

Назаримда, бугунги синовли кунлар оилаларда маънавий муҳитни мустақкамлаш, фарзандларни тўғри тарбиялаш учун берилган имкониятдир. Ундан самарали фойдаланиши-миз шарт. Вақтни фақат сериал томоша қилиш ёки ижтимоий тармоқлардаги гийбатлардан хабардор бўлиш билан ўтказмасдан, бир-биримизни тингла-сак, фарзандлар тарбияси билан шугулланасак айни муқддо.

Болангиз онлайн дарсларда фаол қатнашяптими? Унда бирон иқтидор уққунини сездингизми? Вақтимизни ана шу иқтидорни ривожлантиришга сарфлайлик. Нафақат болалар, катталар ҳам бирон янги хунар ёки ҳорижий тилни ўрганиши, бадий китоблар ўқиши, оилада турли виқориналар, ўйинлар ташкил қилиш орқали ҳам вақтни чоғ ўтказиш, ҳам оилани мустақкамлаш мумкин. Шуни ёлда тутайликки, оиланинг фаровонлиги хонадондаги катта-ю кичикнинг ҳаракатларига, муносабатларига бирдай боғлиқ.

Инсон ёлғизликда бахт ва ҳаловат тополмайди. Бу – ҳаётнинг исбот талаб қилмайдиган ҳақиқати. Қолаверса, машо-йхлар инсон оиласида бахтли бўлмаса, ҳеч қаерда бахтли бўлмайди дейдилар. Шундай экан, ҳар бир оила бахтли турмуш кечирishiга эришиш доим дол-зарб аҳамият касб этаверади.

Ойбек ЖУМАНИЕЗОВ,
«Нур»

JINOYAT VA JAZO

ҚОРАМОЛГА «ИШҚИ» ТУШГАНЛАР

Алихўжа (исм-фамилиялар ўзгартирилган) қош қорайганда уйдан бир чақиримча наридаги далага бориб, қорамолидан хабар олди. Қозиққа арқонни қайтадан қалта боғлаб ортига қайтди. Эрталаб бориб қараса, мол йўқ. Арқони бўшалиб ўтлаб кетгандир дея дала-боғларни кезди, таниган-билган деҳқону боғбонлардан суриштирди. Дараги чиқмаганидан кейин ИИБга борди. «Шу билан учинчи мол йўқолиши, – деди навбатчи. – Сизга ўхшаб боқибегам эгалари далада, боғда қаровсиз қолдиришган»...

Кўчқорали таниш ҳайдовчининг «Ласетти» машинасида Андижонга бориб қайтаётди Кува туманининг Гулистон маҳалласида тўхтаб ўтишни сўради. Маҳаллага кириб чиқиб бироз юрганларидан сўнг тагин машинани тўхтаттирди. «Танишим қардор, пули йўқ экан, молини берадиган бўлди» деб, далада боғлиқ турган қорамоллар орасидан олачиор новосини етаклаб чиқди. «Машинани расво қилади» дея ҳайдовчи молни орттирмади. Кўчқорали «Бўлмасе сизга йўлқира бермайман, бошка машинада оиб кетавераман» дегач, ноилж машинага ортишига кўнди. Кўчқорали уйддаги новос ўғирланганини билдирмасдан олибсотар танишига бир ярим миллион сўмга сотди.

Июнь ойи бошларида фирибгарлик, безорилик қилиб судланган, қишлоқда яшайдиган 27 яшар Тошқул билан та-

нишди. Тирикчиликдан нолиган йигитга бирга ишлашни таклиф қилди.

– Кечаси молини далада қолдиридан лакмалар кўп. Билдирмасдан олиб кетаверамиз.

– Молни етаклаб узоққа боролмай-сиз.

– Мошин топамиз. «Иш»га чиққанда номерини ечиб кўямиз.

У 22 июль кун кечки пайт биронинг «Кобальт» машинасини миниб келиб Тошқулни уйдан чақириб олди. Машина рулига Тошқул ўтирди. Кўчқорали йўл бошлади. Кува туманидаги «Каркидон» сув омбори яқинидаги боғдан битта қорамолни автомашинанинг орқа ўриндиғига юклаб кетишди. Эртаси кун уни Кўчқоралининг тоғасига 2 млн. 500 минг сўмга сотишди.

Орадан бир неча кун ўтиб, Кўчқорали кўнгирак қилди. «Ёзёвонга бориб кела-

миз», – деди. Йўлда машинани тўхтатиб, даладан битта қорамолни олиб чиқди. Молнинг ўғирланганини айтмасдан, чўлдаги еримда боқайтандим дея тоғасига сотмоқчи бўлди. Тоғаси бозорда қорамол олиб сотиш билан шугулланадиган танишини бошлаб келди. Кўчқорали молни унга 3,5 млн. сўмга пуллади.

Ўғирлар салкам икки ой мобайнида Кувасой шаҳри, Кува ва Фаргона туманларидаги боғ этаклари, далаларда қаровсиз қолдирилган 11 та қорамолни ўғирлаб сотиб юборишди. Қидирув, суриштирув давомида ўғирлар ушланиб, 9 та қорамол эгасига қайтариб берилди.

Тошлоқ туманида туғилиб ўсган 34 яшар Кўчқорали ўғирлик қилиб тўрт марта судланган. Икки бор амнистия қўлланиб, жазодан озод этилган. Бирок тузалиш йўлига ўтишни ҳаёлига ҳам келтирмаган. Автомобиль ўғирлаб, қис-

савурлик қилиб қамалиб чиққан хавфли рецидивист энди қорамол ўғирлаб пуллашга «ихтисослашган».

Судда айбига тўлиқ иқроор бўлган Кўчқорали Ниёзбеков гўё ўзидан етти ёш кичкина Тошқул етакчилигида ўғирлик қилишганини, қилмишидан сотилган молларнинг пулидан оз-оздан бериб турганини, қолганини сотиб олган «Кобальт» машинасидан қарзини узишга сарфлаганини айтди. Тошқул Ўроқбоев эса ўғирликларнинг барчасига Кўчқорали бош-қош бўлганини, машинани ҳам у топганини, аммо кимнинг номидалигидан беҳабарлигини, қилмишидан пушаймонлигини айтиб, енгиллик беришни сўради. Қорамоллари қайтарилган жабрланувчилар даввоси йўқлигини билдиришди, аммо ўғирларга қонуний чора кўришни сўрашди. Суд қорамоллари топилмаган икки нафар жабрланувчига 4 млн. сўмдан моддий зарарни ундирган ҳолда ўғирларга беш йилу олти ой озодликдан махрум этиш жазосини тайинлади.

Нодирбек КИМСАНОВ,
Фаргона вилояти прокуратураси бўлим бошлигининг ўринбосари

2020/2021 ўқув йилидан бошлаб олий таълим муассасаларида тасвирий ва амалий санъат ҳамда дизайн йўналишида таълим олаётган талабалар учун Камолиддин Беҳзод номидаги давлат стипендияси таъсис этилади.

Ўғил она учун доим бола бўлиб қолаверар экан. Озод салкам қирқ ёшни қоралаб қолган бўлса-да, Санобар опа уни ҳануз назоратда ушлайди, ишдан озгина кечикса ҳам дарҳол тергашни бошлайди. Айниқса, сўнгги пайтларда ўғлининг ўзидан анча катта Равшан деган кимса билан ош-қатиқ бўлиб қолгани уни хавотирга сола бошлаган эди.

Бу ҳақда гапирса, Озод кулимсираганча «Равшан ака яқиним. Хотиржам бўлинг, она» дея тинчлантиришга ҳаракат қиларди. Лекин кеча ўша Равшан акаси ундан қарз сўраётганини эшитгач чидаёлмади.

– Болам, беш минг доллар кичкина пулни? Бу Равшан аканг қанақа одам ўзи? Нима қилар экан шунча пулни?
– Эй, онажон-а! Керак бўлгандир, сўраяпти. Хавотир олманг, ишончли одам. Қайтариб беради.

– Майли, болам, ўзинг биласан...
Ўша кунни ўғли («дўконга чиқиб келамиз») дея кизчасини олиб чиқиб кетди. Кўп ўтмай қайтиб келишди ва Озод боласини уйда қолдириб, ўзи яна кўчага отланди. Кечки пайт кўнгирак қилиб, чойхонага кетаётгани, кечроқ қайтмоқчи эканини айтди.

Аммо Озод шу кунни уйга қайтмади. Тонг отгач, ўғли келмаганини билган она яна хавотирга тушди. Ишхонасига телефон қилиб, ишга келмаганини эшитгач эса хавотир янада кучайди. Кўчага чиқди, уйга кирди, юраги ҳапқириб кетаверди. Охири чидаёлмай туман ички ишлар идорасига йўл олди. Ўғли кеча «Спарк» автомашинасида чиқиб кетиб, қайтиб келмаганини, уни топилма ёрдам беришларини сўраб ариза ёзди. Кейин набирасини етаклаб, маҳалладаги дўконга борди. У ердан ўғли кизчаси билан киргани, Равшан билан гаплашганини эшитгач, шу заҳоти Равшаннинг телефон рақамини олиб, унга кўнгирак қилди. «Озод билан дўконда кўришдик. У кизчасига кола, мен эса шоколад олиб бердик. Кейин у билан хайрлашдик», – дея Равшан гапни қисқа қилди.

Шундан кейин ички ишлар ходимлари уйга келишди, сўраб-суриштириб, уйни кўздан кечириб кетишди. Сўнг Санобар опа яна Равшанга телефон қилди. «Ўғлим бирор жойга бориши ҳақида айтмаганми?» деб сўраган эди, Равшан уйда таъмирлаш ишлари билан шуғулланишини айтганини баён қилди.


Орадан бир ҳафтача ўтгач, она ўғлининг жасади Зангиота туманидан топилганини эшитди-ю, хуши бошидан учаёзди...

1964 йили Тошкент вилоятида туғилган Равшан Эшоннинг (исм-фамилиялар ўзгартирилган) мукаддам икки марта судланган бўлса-да, тавба қилмади. Аксинча, бу сафар ўта оғир жиноятга қўл урди. Бу жиноятда унга 1966 йилда Тошкентда туғилган эски таниши, ўзи каби икки марта суднинг қора курсисига ўтиришга улгурган Ботир Акрамов маълум маънода ёрдам берди.

Ҳаммаси маҳалладоши Озоднинг ота-онаси ажралши-ю, ўртада уларнинг мулки бўлиниб, Озодга ҳам онаси орқали анча-мунча пул текканини эшитганидан бошланди. Нафси ҳакалак отиб, қандай бўлмасин бу пулга эғалик қилиш режасини туза бошлади. Ўйлай-ўйлай, охири Озоддан қарзга пул сўрашни, кейин эса йўлдан қилиб пулни қайтармасликни дилига тугди. «Одамга алам

қиларкан. Ҳе йўқ, бе йўқ, Озод осмондан тушгандек шунча пулга эга бўларканми? Ундан пулни олсам бўлди, кейин бир гап бўлар... Агар гиди-биди қилаверса, ўзидан кўрсин!». У шу хаёллар билан Озодга учрашиб, ундан «бизнес»ни йўлга қўйиш учун 5 минг АҚШ доллари қарз сўради. Озод онаси билан маслахатлашиши кераклигини айтганида эса жажли чиқса-да, ўзини босди.

Кўп ўтмай кизчасини етаклаб олган Озод билан маҳалладаги дўконда учрашиб қолди-да, илтимосини яна эслатди. Майда-чуйда харид қилган Озод ҳозир кизчасини уйга ташлаб, кечки пайт уч-



рашиб, гаплашиб олишларини айтиб чиқиб кетди.

Улар шу кунни соат 22:00 ларда яна учрашишди. Озод машинасини бир четга қўйиб, ўзи Р.Эшоннинг «Нексия»-сига ўтирди. «Ака, ҳозирча шуни олиб туринг. Қолганини ҳам тез кунда қилиб бераман. Айтмоқчи, санаб олинг-а!» деди-да, унга 4 АҚШ минг долларини узатди. Режаси ўйлаганидек амалга ошаётганидан мамнун бўлган Равшан пулни марок билан санаб олгач, чўнтагига солиб, Озодга юзланди.

– Энди, укам, гап бундай. Мени роса хурсанд қилдинг. Шу сабабли бир зримасам, кўнглим жойига тугмайди. Нима дединг? Ҳа, баракалла! Сен машинангни шу ерда қолдирасан, меникида кетамиз. Фермага бориб, ака-ука бир отамлашамиз.

Озод унинг гапи билан машинасини кулфлаб, унинг ёнига ўтирди. Йўл-йўлакай дўконга кириб, икки шиша арок, тўрт шиша пиво билан егуликлар харид қилишди. Ярим соатга қолмай манзилга етиб келишди. Бўш хонага жойлашиш-

гач, майшат бошланди. Кўп ўтмай шишадаги арокнинг таги кўришиб, иккинчисини очилди. Бироздан кейин ароқлар ҳам, пиволар ҳам тугади. Равшан ўрнидан турди, ҳозир келишини айтиб, ташқарига чиқди. Машинасини очиб, арок билан апельсин шарбатини олди.

Айтмоқчи, ушбу майшатдан уч-тўрт кун олдин Равшан ўйлаб қўйган режасига кўра «Қўйлик» дехкон бозори ёнида нотаниш одамдан тўрт дона уйку дори сотиб олган, ортага қайтишда эса бир шиша арок билан шарбат ҳам харид қилиб, машинасига ташлаб қўйган эди. Хуллас, у дориларни майдалаб, шарбатга қўшиб, яхшилаб чайқатди. Аралашганига ишонч ҳосил қилгач, ичкарига йўл олди. Бу пайтда аралаш ичилган арок билан пиво ўз кучини кўрсатган, Озод анча маст бўлиб қолган эди.

Равшан битта пиёлага ароқдан қўйиб, унга узатди. Газагига дори қўшилган шарбатни тугди. Кейин яна бир пиёла шарбат ичирди. Озод «ўчиб» қолганига ишонч ҳосил қилгач, ташка-

«Нексия» бироздан кейин ўнгга бурилди. Икки-уч километр юришгач, йўл четига уюлган тупрокни кўриб, Равшан машинани тўхтатди. Икковлон Озодни кўмиш учун жой ахтаришга киришди. Бир маҳал асфальт йўлнинг пасти қисмидан ўтган, оғзи ярмигача ёпиқ катта темир-бетон қувурни кўриб қолишди. Машинадан белқурак билан кетмонни олиб, шоша-пиша қувурнинг оғзини очишга киришиб кетишди. Одам синадиган ҳолатга келганига ишонч ҳосил қилишгач, Равшаннинг бўйруғи билан Ботир Озодни қувур олдига кўтариб келди. Озоднинг хали ҳам нафас олаётганини билган Равшан инсонийлигини унутди. Ердан каттагина тош олиб, ўзини билмай ётган йитгининг бошига бир неча марта туширди. Унгача Ботир машинадан қопни олиб келган эди, қопни Озоднинг бошига қийғазиб, қувурга жойлаштиришди ва оғзини тош ҳамда тупроқ билан берки-тиб ташлашди.

Ишни битиргач, Равшан машинани бошқаришни Ботирга топширди. «Спарк»ни қолдириб кетишган жойга келганда Равшан «Машинада уйингга кетавер. Кейин ўзим олиб кетаман» деган эди, Ботир кўнмади. «Яхшиси автомашиналарга газ қуйиш шохобчаси ёнида қалити билан қолдириб кетаман. Видеокамераси бор» дегандан кейин рози бўлди. Ботир унинг машинасини ҳайдаб кетгач, ўзи ёнидаги пулти билан «Спарк»нинг эшигини очди. Салондан Озоднинг фуқаролик паспорти билан хизмат гувоҳномасини, пластик картасини, машинанинг ҳужжатларини ҳамда 100 АҚШ долларини олиб, ёнига солди. Иккита телефон апаратини эса яқин жойдаги дарахт тагига кўмиб қўйди. Кейин машинани ҳайдаб, Янгийўл туманига – қайнонасиникига йўл олди. Бахтига дарвоза очик экан, ҳовлигача кириб борди. Уйқуриб чикқан қайноғасига машина бир оғайнисиники эканлиги, бензини тугаб қолганини, вақтинча қолдириб кетмоқчилигини айтиб, илтимос қилди. Хайрлашиб кетаётганида машинанинг давлат рақамларини ечиб, кесиб ташлашни, салондаги ҳужжатларни ёқиб ташлашни буюрди. Қайноғаси эса нега бундай қилиши кераклигини сўраб ҳам ўтирмади.

Равшан Эшонлов йўловчи машина ушлаб, телефонларни кўмиб қўйган жойига етиб келди. Озоднинг ҳужжатларини яқин жойдан оқиб ўтаётган каналга ташлаб юборди. Телефонларни кўмиб қўйган жойидан қазиб олди. Аввалига уларни ўзи ишлатмоқчи эди, тўсатдан фикридан қайтди. «Қўйлик» бозоригача машина тўхтатди. У ерда Чирчиқ дарёсига телефонларни улоқтирди. Яна машина ушлаб, ўзининг «Нексия»си қолдириб кетилган жойга қайтди. Машинасига ўтириб, уйига келди-да, ҳеч нарса бўлмагандек ётиб ухлади.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди томонидан нафсининг қутқусига учиб, ўзидан салкам йигирма ёш кичик инсоннинг умрига зомин бўлган Равшан Эшонновга 20 йил, унинг қабих жиноятига шерик бўлган ҳамтовоғи Ботир Акрамовга эса 17 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

Фурқат САТТОРОВ,
Бosh прокуратура бошқарма бошлигининг ўринбосари
Ғофуржон АЛИМОВ,
«Нuruq»

ТЕЛЕФОН ВА БОЛАЛАР



Алоқа воситалари кундан-кунга ривожланмоқда. Ҳаётимизни телефонсиз тасаввур қилиш қийин. Бугун ёшу қарининг турли русумдаги уяли телефонларда гаплашаётганини кўриш оддий ҳолга айланди. Лекин кўпчилик бундай телефонлар соғлиққа қандай таъсир қилишини яхши билмайди.

Уч ярим яшар набирам Комронбек менинг ҳамма харакаларимни такрорлайди. Намоз ўқишимни кўриб, саждага эгилсам, уям саждага эгилди. Бирор киши билан телефонда гаплашсам, уям телевизорнинг пултини олиб «гаплашди». Кўчамаизда ўйнаётган катгарок болаларнинг сўкиниши ёки бошқа ёмон одағларини ҳам баъзан тўтиқушдай такрорлаб қолади. Ота-онаси ишдан келиши билан уларнинг телефонига ёпишади. Қани, бермай кўришсин-чи, уйни бошига кўтарди. Телефонни олиши билан «Маша-медведи» ми ё бошқа ўйинни, улар архивга тикиб ташланган бўлса-да, топиб олиб бош кўтармай томоша қилади.

Ҳа, болаларга хос зийраклик, топкирик, кузатувчанлик ва айни пайтда тақдирчилик хусусиятлари у эсини таний бошлагандаёқ ўйғонаркан.

ТЕЛЕФОН – ЎЙИНЧОҚ

Ҳўш, болаларимиз бўлиб-билмай атрофдагиларнинг яхши одатларини эмас, ёмонларини ўзлаштириб олмасликларини учун нима қилаймиз? Биз ёмон одатларимизни ёш болага зинҳор кўрсатмаймиз дейсизми? Адашдингиз. Кўлингизда энг сўнгги русумдаги телефон бор-а? Айтайлик, кимдир сизга кўнгирик қилиб қолди. Ташқарига чиқиб гаплашасизми ёки ичкарида? Турган гапки, овозингизни баландлатиб кичкинтойнинг олдига телефон қилаётган кишига жавоб берасиз. Энди фарзандингизга эътибор беринг: Ҳа, баракалла, у ҳам кўлини кулоғига олиб бориб «телефон»да гаплашишни бошлайди.

Гапнинг индаллосига ўтадиган бўлсак, кўл телефонларига муккасидан кетиб термулаётган, унинг асирига айланаётганлар орасида она сутти озгидан кетмаган болаларнинг кўлиги кишини хавотирга солади.

Фарзандингиз ёки набиранинг телефонида ҳар хил суратлар борлигини, ундаги қандайдир ўйинларни ўйнаганингизни кўрган. Шунинг учун уни сўрагани сўраган. Келинг, хархаша қилаётган бола овуниши учун унга ҳар доим ўйнаган ўйинчоғи ва... мобил телефонингизни кўрсатинг. Қай бирини таялайди? Албатта телефонни! Бу матоҳ, ундаги тасвирлар ақлини ром этадиган шундай вируски, болаларимизга ҳам аллақачон юккан. Сал ақлини танигани ва ҳақто мактабга бораётгани ҳам ўзига қўйиб берсангиз, телефонни кеча-ю кундуз қўлидан қўймаса. Бирор бадий китобдан икки варақ ўқимаса ўқимайдик, телефони муккасидан кетади. Боласи инжиклик қилаверса, кулоғи тинчиши учун унга ўша матоҳни қўшқўллаб топшириб қўяётган ота-оналар ҳам оз эмас.

БЕШ ЁШГАЧА БЎЛГАН БОЛАЛАР НЕГА УНИНГ АСИРИГА АЙЛАНИБ ҚОЛАЯПТИ?

Англиялик шифокорлар мобил телефоннинг организмга зарари қўлигини, турли касалликлар келиб чиқишига сабаб бўлишини исботлаган. Лондонда фаолият кўрсатувчи доктор Вини Курана телефоннинг салбий таъсири билан боғлиқ мия саратони болаларни ҳам четлаб ўтмаётганини, агар бунга эътиборсиз қаралаверса, яқин

10 йил ичида саратондан халок бўладиган болалар сони ошиб боришини билдирган.

– Дунё олимларининг эътирофи этишчи, – дейди «Йилнинг энг яхши шифокори – 2019» республика таълимининг «Йилнинг энг яхши офтальмологи» номинансиси Ғолиби, Қашқадарё вилояти кўз касалликлари шифохонаси офтальмологи Шоқир Лутфуллаев, – мобил телефон айниқса ёш болалар учун ўта зарарли. – Электромагнит тўлқинлар инсон ирсиятидаги тартибнинг бузилишига, ҳужайралар фаолиятининг издан чиқишига, организмдаги маълум бир касаллик вирусларининг фаоллашуви сабаб бўлади, хавфли ўсма касаллигини келтириб чиқаради. Испаниядаги невродиагностика илмий текшириш институти олимларининг фикрича, 11-13 яшар болалар кўл телефони орқали икки дақиқа гаплашса, уларнинг бош миясидаги биоэлектрик ўзгаришлар телефонни қўйгандан кейин ҳам икки соатча сақланиб қолар экан. Болалардаги бевозталанган мия фаолияти руҳий муаммоларга, ўқиш қобилиятининг пасайишига олиб келади. Бундан ташқари, мобил телефонлар болаларнинг организмга, бўйиннинг ўсишига, иммунитетига, диққатини жамлашига салбий таъсир кўрсатади. Қолаверса, телефондаги ўйинларни узлуксиз ўйнаш оқибатида болаларда умуртқа поғонасининг қийшайиши, кўз хасталикларини кузатилаётгани.

ҚОТИЛ БОЛАЛАР

Телефон ўйинларида вақт ҳам, жой ҳам муҳим эмас, асо-

сийси – ғолиб бўлиш. Аксарият ўйинлар шундай дастурланганки, осонликча ғалабага эришиб бўлмайди. Бола ғолиб бўлиш ниятида соатлаб вақтини беҳуда ўтказаверади. Энг ёмони, «душман»ни ер тишлаши учун ўзи сезмаган ҳолда тажовузкор бўлиб қолади. Қарабсизки, унда бетоқатлик, шафқатсизлик хусусиятлари шакллана боради. Бир танишим набираси синглисига пичоқ урмоқчи бўлаётганининг устидан чиқибди. Буни ақсининг телефонидаги ўйиндан кўрган эмиш.

Бундан бир-икки йил олдин АҚШнинг Кентукки штатидаги мактабларнинг бирида Майкл исми ўн тўрт ёшли бола уч нафар мактабдошини отиб ўлдиргани, яна беш ўқувчи оғир аҳволда шифохонага ётқизилгани ҳақида ўқигандим. Аниқланишича, ўспирин конли саҳналарга тўла телефон ва интернет ўйинларига муккасидан кетган экан. Колорадо штатида ўн икки нафар мактабдоши ва ўқитувчисининг ҳаётига зомин бўлган Эрик Харрис ва Виллан Клеболд оқибатда ўз жонларига қасд қилишган.

БОЛА НЕЧА ЁШИДАН МОБИЛЬ ТЕЛЕФОНДАН ФОЙДАЛАНГАНИ МАЪҚУЛ?

Шифокорларнинг таъкидлашича, ўн ёшгача бўлган болаларнинг бош мия, кўз, қулоқ, асаб ва суяк тизимлари ҳали тўла шаклланмаган бўлади. Уяли телефон ақлий қобилиятини пасайтириб, асабийлашишга олиб келади, ўқувчини ва унинг атрофидагиларни машғулотлардан қалғитади. Ҳиндистонда ўн олти ёшгача бўлган болаларнинг уяли телефондан фойдаланиши бутунлай тақиқланган. Япония, Франция ва Испанияда ҳам болаларнинг мобил телефондан фойдаланишида чекловлар ўрнатилган. Мутахассисларнинг фикрича, уяли телефондан фойдаланиш меъёри бир марталик суҳбат учун уч дақиқа атрофида бўлиши, ўн олтига кирмаганларнинг бир марталик суҳбати икки дақиқадан ошмаслиги зарур. Суҳбатлар ўртасидаги оралик 20-25 дақиқа бўлганда уяли телефоннинг салбий таъсири камаяди. Болалар бир суткада 30 дақиқадан ортиқ гаплашмаслиги лозим.

Тадқиқотлар шунини кўрсатмоқдаки, болаларнинг смартфон ва планшетлардан фойдаланиши уларда руҳий ҳамда психологик муаммоларни келтириб чиқаради. АҚШлик олимларнинг таъкидлашича, мамлакатдаги тўрт

ёшгача бўлган болаларнинг 97 фоизи, оилавий даромадидан қатъи назар, мобил телефонлардан фойдаланади. Уйқу-сизлик, семизлик, яққаланиб қолиш, бош мия шиши, саратон хуружи, бармоқларнинг шикастланиши, мулоқот қобилиятининг пасайиши ва ўрганишнинг чекланиши телефон икки яшар болага етказадиган зарарнинг бир қисми экан, ҳоло.

ДУНЁ ОЛИМЛАРИ БОНГ УРАДИ

Кўл телефонлари ва интернет тармоғида ахлоққа зид тасвирлар шу даражада қўлайиб кетганки, бу ҳол ёшларнинг одоб-ахлоқи ва маънавиятига салбий таъсир кўрсатмоқда. Статистик маълумотларга қараганда, ҳар йили ер юзиде 10 миллиондан ортиқ киз 18 ёшга тўлмай турмуш қураётган, 16 миллиондан зиёд киз ҳомиладор бўлиб қолаётган, энг ёмони, бутун дунёда ҳар кун балоғатга етмаганларнинг 2000 нафардан зиёди ВИЧ вирусини юктириб олаяпти. Бунда мобил телефон ёки интернетдаги беҳаёликни тарғиб қилувчи ўйинларнинг таъсири йўқ деб ўйлайсизми?

МАККАЖЎХОРИ ДОНИНИ БОДРОҚКА АЙЛАНТИРГАН ТЕЛЕФОНЛАР

Бир куни ҳамкасблар билан мобил телефонларнинг инсон организмга салбий таъсири ҳақида суҳбатлашиб ўтирдик. Шунда «Замон» инфомацион дастурининг Қашқадарё вилоятидаги муҳбири Шавкат Аминов телеэкранда ўз кўзи билан кўрган бир воқеани сўзлаб берди:

– Телевизор томоша қилиб ўтирдим. Унда мобил телефонларнинг инсон организмга салбий таъсири ҳақида мунозара бўлаётганди. Бошловчи ўнга замонавий телефонни стол устига айлана шаклида териб чиқди. Унинг ўртасига ликобчада маккажўхори донини қўйди. Ўнга телефонга ҳам бир вақтнинг ўзиде кўнгирик қилинди. Қай қўз билан кўрайки, ликобчадаги маккажўхори донлари ҳудди товада тағига олов ёқиб киздиргандек, чарчарс этиб бодроққа айлана бошлади...

Бу гапдан кейин мобил телефонларнинг ёшлар организмга салбий таъсири ҳақида бошқа бир нарса дейиш бизнингча ортиқча.

Норбўта ҲОЗИЕВ,
«Нурқ»

«ДАЛАДАН ДАСТУРХОНГА» ТАМОЙИЛИ АСОСИДА

Мамлакатимизда коронавирус пандемияси сабабли аҳолининг сабабсиз кўча-кўйга, жамоат жойига чиқиши чекланди. Ушбу синовли даврда Хоразм вилояти прокуратураси ҳамда Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг Хоразм вилояти бошқармаси томонидан «Даладан дастурхонга» тамойили асосида деҳқон бозорларидан узоқ масофада жойлашган маҳаллаларда кўчма ярмаркалар, турғун дўконлар фаолияти йўлга қўйилган.

Хусусан, чекка худудларида 350 дан ортик кўчма ярмарка ва дўкон ишлаб турибди. Озиқ-овқат ва кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан тўлдирилган автодўконлар Урганч тумани маҳаллаларига ҳам кириб борди. Тумандаги 58 та маҳаллада 197 мингдан ортик аҳоли истиқомат қилмоқда. Уларга гўшт, картошка, пиёз, тухум, мой, помидор, болдинг каби маҳсулотлар арзон нархларда етказиб берилди. Озиқ-овқатларнинг таъминоти ва захирасига, сифати ва нархининг барқарорлигига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Айни кунда Хоразм вилоятида 519 та маҳаллада 1 млн. 866 минг 729 киши истиқомат қилади. Вилоятда 10 та деҳқон бозори, 20 дан ортик йирик савдо шохобчаси ва супермар-

кетларда озиқ-овқат ва кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сотилмоқда.

Урганч туманининг Қоромон кишлоғи вилоят марказидан узоқ масофада жойлашган. Бу ерда тўрт мингта яқин аҳоли яшайди. Кишлоқда ташкил этилган кўчма бозорчада аҳоли карантин қондаларига риоя қилган ҳолда, оралиқ масофани сақлаб эҳтиёжи учун зарур маҳсулотлар, дори-дармонларни харид қилмоқда.

Таъкидлаш керакки, аҳолини озиқ-овқат билан узлуксиз таъминлаш йўлга қўйилган. Хусусан, департаментнинг вилоят бошқармаси томонидан йўл хариталари ишлаб чиқилиб, 20 та гуруҳ тузилган. Ҳар бир кўчма бозорга 50 га яқин таъминотчи корхона маҳсулот етказиб бермоқда. Шу боис аҳолидан вахи-



ма қилмасдан, эҳтиёжига яраша нарса сотиб олишни ва зарурат бўлмаса уйда қолишни тавсия қиламиз.

Янгибозор туманининг Манғитлар маҳалласида аҳоли асосан деҳқончилик билан шуғулланади. Маҳаллада ташкил этилган дўконда аҳоли учун

алоҳида расталар ажратилди. Энди одамлар томорқасида, иссиқхонасида етиштирган уруғлик ва кўчатлар, полиз экинларининг сотуви орқали ҳам даромад олади. Ушбу дўконига ҳар куни махсус автомашиналарда картошка, пиёз, гуруч, мой, ун каби 25 турдан

ортик маҳсулот етказиб берилмоқда.

Вилоятда нарх-навонинг барқарорлигини таъминлаш юзасидан олиб борилган профилактик тадбирлар давомида деҳқон бозорларида 125 киши, йирик савдо комплексларида 200 киши, шунингдек 739 нафар дорихона раҳбари расман огоҳлантирилди. Нарх асосиз оширилган 15 та ҳолат юзасидан сотувчи ва тадбиркорлар билан тушунтириш ишлари олиб борилган.

Бугунги вазият барчимиздан бирдамликни талаб этади. Ахил бўлсак қийинчиликларни енгиб ўтишимиз осон бўлади.

Ғайратжон СУЛТОНОВ,
департаментнинг Хоразм вилояти бошқармаси бошлиғи

ЯКУНЛАНМАГАН ФИРИБ

Мақтабгача таълим соҳасидаги ислохотлар натижасида республикамизнинг барча худудларида давлат-хусусий шерикчилик асосида хусусий боғчалар ташкил этилмоқда. Шу билан бирга Мақтабгача таълим вазирлиги тасарруфидаги ташкилотларнинг моддий-техник базаси мустақамланиб, ходимларни моддий рағбатлантириш тизими такомиллаштириляпти.

Лекин айрим ходимлар мақтабгача таълим муассасасини ноқонуний даромад манбаига айлантиришга уринмоқда. Хусусан, Фарғона шаҳар мақтабгача таълим бўлими мудирининг ўринбосари А.Э. хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда фуқаро Г.М.дан уни ишга олиш ва фарзандини тарбияланувчи сифатида боғчага киритишни ваъда қилиб, 300 АҚШ долларини фибрибгарлик йўли билан олган вақтда ашъвий далиллар билан ушланган.

Жиноят ишлари бўйича Марғилон шаҳар суди томонидан А.Э.га ойлик иш ҳақининг ўн фоизини давлат ҳисобига ушлаб қолган ҳолда икки йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланди.

Отабек АЗИМОВ,
департаментнинг Фарғона вилояти бошқармаси катта инспектори

НАФС БАНДАЛАРИ

Мақтаб – таълим-тарбия маскани. Тартиб-интизомни, ростгўйликни ўғил-қизларимиз оиладан сўнг ана шу мўътабар даргоҳда ўрганади. Демак, унда ёлғон ва қаллобликка ўрин йўқ.

Муборак туманидаги 30-мақтаб директори вазифасида ишлаб келган Замон Ғиёсов (исм-фамилиялар ўзгартirilган) ўзининг хўжалик ишлари бўйича ўринбосари Шерзод Эшматов билан тил бириктириб, жиноят кўчасига кирди. Мақтабда қоровул вазифасида ишлаб келган У.Лапасов 2014 йил 1 апрель кун ишдан бўшаш ҳақида ариза берган бўлса-да, буйрук асосида ишдан бўшатмасдан 2018 йилнинг охиригача унга иш ҳақи ёзиб, жами 14 млн. 955 минг 708 сўмини қўлга киритишган.

Улар жиноий ҳаракатларини яна давом эттиришади. Б.Юнусов мақтабда қоровул вазифасида ишлаётгани ҳақида табел ва молиявий ҳужжатларга сохта маълумотлар киритиб, 2015 йилнинг 1 августидан 2018 йилнинг 4 январига қадар 6 млн. 838 минг 600 сўмини иш ҳақи сифатида ёзиб, ўзлаштириб юборишди.

Директор билан ўринбосари мақтабда фаррош вазифасида ишламаётган Ш.Шамсиеванинг номига 2015 йил 1 августдан 2018 йил 31 декабргача 23 млн. 967 минг 726 сўм иш ҳақи ёзиб, ўзлаштиришди.

Уларнинг жинояти тафсилотини яна узоқ давом эттириш мумкин. Шу тариха мақтаб директори З.Ғиёсов давлатнинг 54 млн. 151 минг 292 сўм, унинг ўринбосари Ш.Эшматов эса 45 млн. 762 минг сўм пулини талон-торож қилишган.

Жиноят ишлари бўйича Муборак тумани суди З.Ғиёсов ва Ш.Эшматовга қилмишларига яраша жазо тайинлади.

Отабек ШОИМОВ,
департаментнинг Муборак тумани бўлими бошлиғи



JINOYAT VA JAZO

УЙДАГИ ИШРАТХОНА

Марат (исмлар ўзгартirilган) уч фарзанднинг отаси. У болаларини ҳалол меҳнати ортидан едириб-ичиришни, вояга етказишни хаёлига ҳам келтирмади.

ни ўғирламасам, ўз уйим бўлса. Ҳеч кимга зарарим тегмаса» деб хаёлидан ўтказадди баъзан.

Унинг қилмишига жим қараб турмайдиган икки фуқаро тегишли жойга бориб, арз қилди. Унинг қилмишларига чек қўйиб, қонуний жазоланишини сўради. Шундан кейин ИИБ ходимлари томонидан тезкор тадбир режаси тузилди.

Марат бир куни кечга яқин бекатда таниши Жамилани кўриб қолди. Жамила унга яқинлашиб, «Йигитим билан келсам, уйингизда шароит қилиб берасизми? Юз минг сўм берамиз» деди. Марат рози бўлиб, кизини уйига бошлади.

Печкага олов ёқиб, Жамиланинг йигитини кутишди. Кўп ўтмай йигит келди. Марат ундан 100 минг сўм олиб, ётоқхонага кузатиб қўйди.

Ҳеч қанча вақт ўтмай хонадонга ҳолисларни бошлаб ИИБ ходимлари кириб келишди. Марат ашъвий далиллар билан қўлга тушди.

Суд ҳукми билан Маратдан 4 млн. 460 минг сўм жарима ундирилди.

Ўткир МАМАТҚУЛОВ,
Самарқанд вилояти прокуратураси бўлим бошлиғи

СОДДАЛАШТИРИЛГАН ТАРТИБДА ИШ ЮРИТИШ

МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИК ВА ХАЛҚАРО ТАЖРИБА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги 3723-қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш концепциясида жиноий жавобгарлик ва жазо тизимини такомиллаштириш, жиноят процессининг янги шакл ва тартибларини жорий этиш, шу жумладан судга қадар ва суд босқичида соддалаштирилган иш юритиш тартиб-тамоийларини ривожлантириш бўйича бир қатор вазифалар белгилаб қўйилган.



Бу борада халқаро ташкилотларнинг институционал ҳужжатлари, хорижий давлатлар тажрибаси ва ушбу йўналишда олиб борилган тадқиқотлар билан танишиш фойдадан холи эмас.

Содир қилинган қилмиш учун жазо турлари ва бошқа ҳуқуқий таъсир чораларига тўхталадиган бўлсак, шахс фош бўлиш эҳтимолига қараб ҳуқуқбузарлик содир этиши, бунда жазо санкциясининг аҳамиятсизлиги, шу сабабли санкцияларни кучайтириш эмас, балки шахснинг ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликка тортилиши муқаррарлигини таъминлаш муҳим эканлиги аниқланган.

Буни хорижий давлатларда иктисодий ҳуқуқбузарликлар учун кенг турдаги жазо чоралари самарали қўлланиши мисолида ҳам кўриш мумкин. Хусусан, юридик шахсларнинг жиноий жавобгарлиги, жавобгарликка тортишда дифференциация (табақалаштириш), жазо сифатида мулкни мусодара қилиш, оммавий ахборот воситалари орқали шахсни шарманда қилиш каби таъсир чораларининг белгиланган иктисодий жиноятчиликка қарши курашиш самардорлигини ошириш имконини беради.

Ирландияда иктисодий ҳуқуқбузарлик учун жавобгар-

ликка тортиш тизими шахснинг ҳуқуқбузарлиқни ихтиёрий бартараф этишига қаратилган. Айни бир ҳуқуқбузарлик учун санкциялар назорат қилувчи ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорлик қилганлик, ҳуқуқбузарлик оқибатини ўз ихтиёри билан бартараф этганлик ва ҳуқуқбузарлик такрорланишига қараб дифференциация қилинади.

Сингапур ва Ирландияда жазо чораси сифатида солиқ тўлашдан бўйин товлаган ёки тўламаганлар рўйхати ҳар чоракдан катта (51000 доллардан кўп) қарзи бор шахсларнинг фуқаролик паспорти бекор қилиниши белгиланган.

Айни пайтда, тадқиқотлар иктисодий жиноятларга қарши курашда назоратни кучайтириш ва тегишли қўлланма қўлдан кўчириш орқали ҳаракат ва ресурс (инсон, вақт) талаб этиши, барча ресурсларни иктисодий ҳуқуқбузарликларни аниқлашга сафарбар қилишнинг имкони йўқлиги ва назоратни кучайтиришнинг самараси камлигини кўрсатади.

Мазкур муаммоларни ҳал этишда кам ҳаражат талаб этиладиган бошқа чоралар, хусусан, қонунга итоаткорлик мадани-

ятини ошириш, ҳуқуқбузарликларга қарши жамоатчилик назорати орқали курашишга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Жумладан, Ирландияда хуфийна иктисодиётга қарши курашда назорат қилувчи органлар жамоатчилик назорати механизмлари ва инсофли солиқ тўловчилар ёрдамига таяниши эътирофга лойик. Бунда солиқдан қочиб ва носоғлом рақобат ҳақида фуқаролар, тадбиркорлар, жамоат бирлашмалари, касба уюшмалари турли воситалар орқали электрон, оғзаки ёки ёзма шаклда, шу жумладан, аноним тарзда хабар бериш имконияти берилган ва мурожаатчининг қимлиги ошқор қилинмайди.

Сингапурда эса хабарчининг шахсини сир сақлаган ҳолда берган маълумоти бўйича аниқланган ва ундириб олинган сумманинг 15 фоизи, бироқ 100000 доллардан кўп бўлмаган мукофот берилди.

Бизнинг қонунчилигимизда аноним мурожаатларнинг қўриб чиқилмаслиги оид норманинг мавжудлиги, айримларнинг шахси ошқор бўлиб қолишдан қўчиши натижасида ҳуқуқбузарлик ҳақида тегишли идораларга хабар бермаслиги иктисодий ҳуқуқбузарликларга қарши курашга салбий таъсир кўрсатади.

Жиноят ишнни юритишда шахснинг қилмишидан пушаймон бўлгани, жиноятни фош этишда ҳамкорлик қилгани муносабати билан жиноий жавобгарликдан ёки жазодан озод қилиш назарда тутилган. Жиноят кодексига мазкур институтларни қўллаш билан боғлиқ аниқ механизмлар белгиланмаган.

Аксинча, хорижий давлатларда жиноят ишлари бўйича айбини бўйнига олиш, ҳамкорлик ва келишув институтларининг тобора такомиллашиб бораётганини кўриш мумкин.

Шулардан бири айбини бўйнига олиш институти ҳисобланади. Мазкур институт хорижий давлатларда «plea bargain», «guilty plea», «plea agreement» деб аталади ва айбига иқдор бўлиш эвазига енгилроқ ёки бошқа муқобил жазо чораларини қўллашни назарда тутди. Масалан, Италия ва Россияда айбини бўйнига олиш билан арз қилган шахсларнинг жазосини белгиланган миқдорда (1/3 қисмга) камайтириш ёки енгиллаштириш назарда тутилган.

Ишни тарафларнинг соддалаштирилган тартибда, ўзаро келишиб ҳал этиши, ишни тезлаштирилган тартибда қўриб чиқиш ресурслардан самарали фойдаланиш ва судлардаги иш ҳажмини камайтириш, жазо нисбатан енгил бўлса-да иш бўйича яқиний қорорга келиш имконияти, энг муҳими, айбдорларнинг айбини бўйнига олиш орқали ахлоқан тузалиш йўлига ўтиши айбини бўйнига олиш институтининг афзалликлари ҳисобланади.

Бу эса мазкур институт имкониятидан тобора кенгроқ фойдаланилишига олиб келмоқда. Жумладан, АҚШда 1920 йилларда жиноий ишларнинг тахминан ярми айбини бўйнига олиш институти орқали ҳал этилган бўлса, бугунга келиб бу кўрсаткич 95 фоизга етган. Бундай тенденция бутун дунёда кузатишмоқда. Жумладан, Қозғоғистон қонунчилигида айбини бўйнига олиш бўйича битим ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган, ўртача ва оғир жиноят ишлари бўйича айбланувчи қўйилган айбловни бўйнига олганда қўлланади. Мазкур битим уч шарт асосида, яъни гумонланувчи (айбланувчи) тараф процессуал битим тузиш истаги тўғрисида ихтиёрий хабар берса ҳамда эълон қилинган айблов ёки далиллар, етказилган зарар тўғрисида

бахшлашмаса, ишда жабранувчи бўлса унинг розилиги бўлганда тузилади.

Мамлакатимизда ҳам Ўзбекистон Президентининг 2020 йил 2 мартдаги 5953-фармони билан тасдиқланган давлат дастурининг 46-бандига мувофиқ жиноят ишнни юритишда гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчи айбини тўлиқ тан олган ва айблаш учун етарли далиллар бўлган ҳолларда иш юритишнинг соддалаштирилган тартибини жорий этиш назарда тутилган.

Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиқиб:

биринчидан, жиноят ишнни юритишда шахс айбини тўлиқ тан олган ва айблаш учун етарли далиллар бўлган ҳолларда иш юритишнинг соддалаштирилган тартибини жорий этишни тезлаштириш мақсадга мувофиқ;


иккинчидан, ҳуқуқбузарликларни фош қилиш ва бартараф этишда шахснинг иштирокига қараб жавобгарлик чораларини дифференциация қилиш ҳамда либераллаштириш лозим. Бу тарафлар ўрта-сида ҳурмат, ишонч ва самарали мулоқот ўрнатилган ҳуқуқий замин яратад;

учинчидан, юридик шахслар учун жиноий жавобгарликни белгилаш, таъсир чораси сифатида мусодара қилишни жорий этиш, шунингдек, айрим ҳуқуқбузарлар ёки инсофсиз тадбиркорларни обрўсизлантириш мақсадида уларнинг рўйхатини эълон қилиш тақлиф қилинади;

тўртинчидан, ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар тўғрисида аноним тарзда ёхуд аризагининг шахси сир сақланишини таъминлаган ҳолда турли воситалар ёрдамида хабар берилишини жорий этиш, бунда нодавлат нотижорат ташкилотлар, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг иштирокини кенгайтириш орқали жамоатчилик назорати механизмларидан самарали фойдаланишни рағбатлантириш зарур.

Мазкур чоралар ҳуқуқбузарлик ва жиноят учун жавобгарликни янада такомиллаштириш, инсофли тадбиркорларни рағбатлантиришга хизмат қилади.

Бобир ТУРДИЕВ,
Бош прокуратура академияси
катта ўқитувчиси



АҲОЛИГА ҚУЛАЙЛИКЛАР

Коронавирус пандемияси ҳукм сураётган мамлакатимизда аҳоли саломатлигини муҳофаз қилиш, инфекция тарқалишининг олдини олиш борасида кенг қўламли чора-тадбирлар белгиланди.

маг қиламан, — дейди **меҳнат фохрийси Олимжон Раҳматов**. — Авваллари хонадонимиздаги электр энергияси, табиий газ ҳисоблагичларидаги кўрсаткичларни ҳудудга бириктирилган инспектор кўриқдан ўтказар эди. Қарзларни эса банк шохобчалари орқали тўлар эдик. Карантин даврида тўловларни қандай тўлаш ўйлантираётган эди. Оммавий ахборот воситалари орқали бот яратилганидан хабар топиб, энди пулни уйдан чиқмаган ҳолда тўлашимиз.

Дарҳақиқат, бугунги кунда Наманган шаҳрида истеъмолчиларнинг ахбороти ушбу ботдан фойдаланмоқда. Худудларга бириктирилган инспекторлар ботнинг қулайликларини тарғиб

қилаёпти. Бундан ташқари маҳаллалар, савдо шохобчаларида аҳоли талабидан келиб чиққан ҳолда сайёр кассалар ташкил этилди.

Карантин сабабли пойтахтимизнинг барча маҳаллаларида кўчма бозор ташкил қилиниб, аҳолига озиқ-овқатлар арзон нархларда етказиб берилмоқда. Бундан ташқари, Мажбурий ижро бюросининг Яққасарой тумани бўлими фуқароларга қулайлик яратиш мақсадида ярмаркаларда сайёр кассалар ҳам ташкил қилди. Уларда бугунги кунга қадар истеъмолчилардан жами 232 млн. сўм тўловлар қабул қилинди.

Азиз БЕГЖАНОВ,
Бош прокуратура хузуридаги МИБ бошқарма бошлиғи ўринбосари

ҚАМАЛИШ ҚУТУЛИШ ДЕГАНИ ЭМАС

Бугунги кунда фарзандларининг моддий таъминоти учун жавобгар эканлигини унутиб қўяётган оталар кам эмас. МИБ Шаҳрисабз туман бўлими ходимлари томонидан уларга тушунтириш берилиб, оилалар яраштираляпти, алиментлар ундирилмоқда. Хулоса чиқармаганлар жазосини олаёпти, улардан бири Шаҳрисабз шаҳрида яшовчи фуқаро С.Э. дир.

Фуқаролик ишлари бўйича Шаҳрисабз туманлараро судининг қарорига асосан С.Э.дан Г.О.га битта фарзандининг моддий таъминоти учун алимент ундириш белгиланган. Бюро ходимларининг оғохлантиришига қарамадан қарздор алиментни тўламаган. Натижанда 2018 йил 28 мартдан 2020 йил 25 февралга қадар қарзи 11 млн 93 минг сўмга етган. Шу сабабли ўз фарзандига алимент тўлашдан товлашдан бўйин товлаган қарздорга нисбатан 15 сутка маъмурий қамок жазоси тайинланди.

Эслатиб ўтиш жоиз, маъмурий қамок жазоси алимент тўлаш мажбуриятдан озод қилмайди.

Рухиддин ШАРИПОВ,
МИБ Қашқадарё вилояти бошқармаси катта инспектори

Карантин эълон қилингани боис аҳолининг ақсарият қисми уйда қолмоқда. Бу эса электр энергияси, табиий газга бўлган эҳтиёжни ортиради. Шунинг учун аҳолига уйдан чиқмаган ҳолда фойдаланилган коммунал хизматлар ҳақини тўлаш имкони берилаяпти. Яъни, бунинг учун истеъмолчилар бюросининг «Телеграм»даги @mibuzbot ботидан фойдаланиб, тўловларни амалга ошириши мумкин.

— Мен Наманган шаҳрининг Шодлик маҳалласида истиқо-

ТОМДАГИ ТАРМОҚ

Электр энергияси, табиий газдан тежаб-тергаб фойдаланиш ва ҳақини ўз вақтида тўлаш ҳар бир фуқаронинг бурчидир. Бироқ айрим истеъмолчилар ана шу масъулиятни унутиб қўймоқда.

Жумладан, бюросининг Мингбулоқ туман бўлими ходимлари Бирлашган маҳалласида ўтказган мониторингидан шундай ҳуқуқбузарлик аниқланди. Яъни, Соҳиба Абрарова (исм-фамилияси ўзгартирилган) хонадонига фуқаро электр тармоғига яширинча улашиб олган.

Суриштирув жараёнида тармоқдан яширинча фойдаланиш орқали таъминотчи корхонага 9 823 500 сўм зарар етказилгани маълум бўлди.

Ушбу ноқонуний ҳаракати билан фуқаро Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 101-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни ҳисор этган деб топилди. Қондабузар истеъмолчига базавий содир элган деб топилди. Қондабузар истеъмолчига базавий содир элган деб топилди. Қондабузар истеъмолчига базавий содир элган деб топилди. Қондабузар истеъмолчига базавий содир элган деб топилди.

Жаҳонгир РАҲИМОВ,
МИБ Мингбулоқ тумани бўлими бошлиғи

ҚАРЗ ЮК МАШИНАСИ ҲИСОБИДАН

МИБ Шофиркон тумани бўлими иш юритувида Гиждубов туманлараро иқтисодий судининг ижро ҳужжатига асосан «Хумоюн курилиш плюс» МЧЖдан «Сарқор курувчи» МЧЖга 74 618 578 сўм қарзини ундириш ҳамда Бухоро туманлараро иқтисодий судининг ижро ҳужжатига кўра мазкур жамиятдан «Мега шебен гранд» МЧЖга 82 041 800 сўм

қарзини ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжатлари мавжуд.

Бюро томонидан оғохлантирилиб муддат берилган бўлса-да, жамият қарзларини тўламаган.

Мажбурий ижро ҳаракатлари давомида «Хумоюн курилиш плюс»га тегишли MAN юк машинасига қидирув эълон қилиниб ва топилгач, жарима майдони-га жойлаштирилди.

Машинани «Online aukcion» савдо майдончаси орқали сотиш чораси кўриляётганда қарздор 156 660 378 сўм қарзини тўлик қоплаб берди ва ижро ҳужжати ижроси таъминланди.

Шавкатжон ЎТКИРОВ,
МИБ Шофиркон тумани бўлими катта инспектори

ЎҒРИГИНА ТАДБИРКОР

МИБ Самарқанд вилояти бошқармаси ходимлари ҳуқуқни муҳофаз қилувчи бошқа органлар билан ҳамкорликда табиий газ тармоғига ноқонуний улашиб ҳолатларини аниқлашга қаратилган тадбир ўтказди.

Аниқланганича, Пастдарғом тумани Чоргут маҳалласида 8,6 сотих иссиқхона ташкил қилган тадбиркор Туркман маҳалласи ҳудудига ўтувчи ўрта босимли газ қувурига пинҳона равишда улашиб, газдан ноқонуний фойдаланиб келган. Шу та-

риқа у давлатга қарийб 174 млн. 878 минг сўмлик зарар етказган.

Мазкур ҳолат юзасидан бюросининг Пастдарғом туман бўлими томонидан тегишли ҳуқуқий таъсир чоралари кўрилди.

Шоҳрух ТОШПЎЛАТОВ,
МИБ Самарқанд вилояти бошқармаси катта инспектори

ЯНГИ ТАРТИБНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ

2019 йил 12 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинган. Унга кўра 2019 йил 1 апрелдан бошлаб суд ва бошқа органларнинг ҳужжатларини мажбурий ижро этиш жараёнига медиация институти жорий этилди.

Унга кўра:

— тарафлар ўртасида ижро предмети-га доир келишувга келмаслик, шунингдек, томонлардан бирининг медиацияни давом эттиришдан воз кечиши ёки уни амалга ошириш муддатининг тугаши ижро иши юритишни қайтадан тиклаш учун асос ҳисобланади. Бунда медиация тартиб-таомилни такроран амалга оширишга йўл қўйилмайди;

— тарафлар ўртасида ижро ишининг ҳар қандай босқичида медиацияни амалга ошириш натижалари бўйича ижро предмети-га доир келишув расмийлаштирилган ҳолларда давлат ижросини ижро иши юритишни тугатади;

— медиацияни амалга ошириш жараёнига давлат ижросини ва давлатнинг бошқа органлари вакилларининг аралашуви тақиқланади;

— ижро иши юритишни кўзга тутиб тўғрисидаги масала ижро ҳужжати келиб тушган вақтдан бошлаб бир иш куни ичида ҳал этилади;

— ижро ҳаракатларини амалга оширишга тўсқинлик қилувчи ҳолатлар мавжуд бўлганда мазкур ҳаракатлар қарздорнинг аризасига ёки давлат ижросининг ташаббусига кўра кўпи билан икки марта кейинга қолдирилиши мумкин;

— ижро ҳаракатларини бажаришда юзага келган масалаларни тушунтириш

учун давлат ижросини тайинлаган мутахассис ижросининг қарори билан танишган кундан бошлаб ўн беш иш куни ичида ёзма хулоса тақдим этишга мажбур.

Шунингдек, Бош прокуратура хузуридаги Мажбурий ижро бюроси ижро ҳужжатларининг ягона электрон базасини юритади, унга тегишли маълумотлар базаси тизимлари билан интеграция қилиш орқали қуйидагилар киритиб борилади:

— ижро органлари юритуви-га келиб тушган барча ижро ҳужжатлари;

— маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ваколати бўлган органлар (мансабдор шахслар) томонидан солинган ва ундирилган маъмурий жарималар ҳақидаги маълумотлар;

— маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ваколати бўлган органлар (мансабдор шахслар) нинг қонун ҳужжатларида белгиланган муддат давомида ихтиёрий тартибда бажарилмаган маъмурий жарималарни

қўллаш тўғрисидаги қарорлари мажбурий ижро этиш учун электрон ҳужжат кўринишида автоматик равишда Мажбурий ижро бюросининг ахборот тизимига юборилади;

— ижро ҳужжатларида ундирувчи ёки қарздорнинг электрон почтаси ёки телефон (мобиль) рақами (агар улар судга ёки ижро ҳужжатини берган бошқа орган (мансабдор шахс)га тақдим этилган бўлса) ҳақидаги маълумотлар мавжуд бўлганда ижро иши юритишни кўзга тутиб тўғрисидаги хабар унинг жўнатилгани ва қабул қилиб олингани фактларини қайд этиш имконини берувчи махсус автоматлаштирилган тизимдан фойдаланган ҳолда электрон почтага ёки мобиль алоқа воситалари орқали қисқа хабар (SMS) кўринишида йўлланади.

Жасурбек РЎЗМЕТОВ,
МИБ Богот тумани бўлими бошлиғининг ўринбосари

МУБОРАКБОД ЭТАМИЗ!



Мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлашга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган инсон прокуратура фахрийси Зайнулла Баймуханов табаррук 70 ёшни қарши олмақда.

У прокуратура органлари тизимидаги 32 йиллик фаолияти давомида Бош прокуратура ва Тошкент шаҳар прокуратураси органларида турли лавозимларда самарали меҳнат қилиб, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш каби касбий вазифаларни бажаришга масъулият билан ёндашди.

Бугун сафимизга кириб келаятган ёш ҳуқуқшунослар уни амалий тажрибаси ва касб маҳорати сирларини сидқидилдан ўргатган меҳрибон устоз сифатида юксак қадрлайди.

Зайнулла Баймуханов фидокорона меҳнати учун «Жасорат» медал билан тақдирланган.

Шунингдек, унинг узоқ йиллик меҳнати прокуратура раҳбарияти томонидан муносиб баҳолаб, бир неча марта рағбатлантирилган.

Хурматли Зайнулла Баймуханов, таваллуд айёмингиз муборак бўлсин! Сизга ва оила аъзоларингизга сўхат-саломатлик, хонадонингизга файзу барака тилаймиз!

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси ва Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги Маркази



Бош прокуратура ҳузуридаги департамент идораларида 20 йилдан ортиқроқ самарали фаолият юритган Равшан Раҳмонов табаррук 60 ёшни қарши олди.

У фаолияти давомида департаментнинг Хоразм вилояти бошқармаси бўлим бошлигининг ўрин-

босари, Хазорасп тумани бўлими бошлиғи, департаментнинг Сирдарё тумани бўлим катта инспектори, Ховос тумани бўлими бошлиғи ва департаментнинг Хива тумани бўлими бошлиғи каби касбий вазифаларни бажаришга масъулият билан ёндашиб, хизмат бурчига содиқлиги билан ҳамкасблари хурматиغا сазовор бўлган.

Хурматли Равшан Озодович, қутлуг ёшингиз муборак бўлсин! Сизга ва оила аъзоларингизга мустақкам соғлиқ, узоқ умр, оилавий тотувлик, хонадонингизга тинчлик-осойишталик ҳамда фаровонлик тилаймиз!

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги департаментнинг Хоразм вилояти бошқармаси

BU GIZIQ

МЕССИНИНГ СИРИ НИМАДА?



Ҳеч кимнинг ёдидан чиқмаса керак, ўтган мавсум Европа чемпионлар лигаси ярим финал баҳсида Каталониянинг «Барселона» клуби ўз уйида Англиянинг «Ливерпуль» жамоасини 3:0 ҳисобида таслим этиб, финал сари катта қадам ташлаган эди. Аммо жавоб ўйинида барчаси бутунлай ўзгариб кетиб, инглизлар «Барселона»дан финал чиптасини тортиб олишган эди.

МЕССИ ҚАНДАЙДИР ТАБЛЕТКАЛАР ТАНОВУЛ ҚИЛАР ЭКАНИМИ?

Англия клуби ҳатто меҳмондаги ўйинда ҳам «Барселона» футболчиларини кўпроқ югуришга мажбур қилганди. «Қизиллар» Испаниядаги баҳс мобайнида 111 132 км. босиб ўтган бўлса, каталонияликларнинг масофаси 109 717 км.га тенг бўлган (одатдагидан 4 км. кўп). Месси ҳам кўп югурди.

Ҳар қандай ҳолатда ҳам Леонел бошқа ҳужумчилардан кам югуради. Месси ўтган мавсум ҳар бир баҳсда ўртача 7,5 км. чопган бўлса, Роберт Левандовски 10 км., Криштиану Роналду 8,7 км., Душан Тадич 12 км. югурган. Месси камҳаракат бўлса-да, ўйин пайтида таблетка қабул қилади.

«Ливерпуль»га қарши ўйинда камералар ушбу вазиятни пайқамасди. Аммо буни кўпчилик билади. Бу ҳақида 2017 йилнинг октябрида, «Олимпиакос»га қарши ўйиндан кейин билиб қолишган. Ўшанда камералар Леонел гетраси орасидан қандайдир таблеткани олиб, ютиб юборганини суратга олган. Тезда шубҳа пайдо бўлган. Месси допинг қабул қилади-ми? Йўқ, бу шунчаки глюкоза таблеткаси эди.

Глюкоза моносахаридлар орасидаги энг кераклиларидан бири ҳисобланади. Бу углевод алмашинувидаги муҳим компонент. У камайса одам секинлашади, уйқунгиз келверади, ҳолсизлик кузатилади, диққат сустлашади.

Месси ўйин пайтида бундай таблеткалар қабул қилаётган ягона футболчи эмас. Шунчаки унга бўлган эътибор жуда баланд. Мана, масалан, «Манчестер Юнайтед»га қарши ўйин олдидан «Барселона» ходими Леонелга таблетка бергани камералар объективига тушиб қолди.

УГЛЕВОДЛАР НЕГА МУҲИМ?

«Football Medicine» интернет журнали ўйин пайтида углеводлар қабул қилиш муҳимлиги ҳақида батафсил маълумот берган.

Ўйин пайти мушак гликогени энергия ишлаб чиқаради. У глюкоза қолдиқларидан ҳосил бўлади. Ўйин пайти гликоген 90 фоиздан 37 фоизга тушиб кетади. Натижада мушакнинг алоҳида толалари энергиясидан айрилади ва бўшаб қолади. Гликоген даражаси маълум бир нормадан тушиб кетганида турли ҳаракатлардаги фойдалилик фоизи пасаяди. Сиз осонлик билан бажара оладиган ҳаракат ва финтлар ўхшамайди, чарчок кучая бошлайди.

Иккинчи бўлимда футболчиларнинг жисмоний ва техник кўрсаткичлари пасайиб кетиши ҳаммага маълум: югуриш интенсивлиги камайдди, тўпга эғалик қилиш, зарба ва паслар фоизи анча тушиб кетади. Ўтган мавсум Чемпионлар лигасида голлар кўпроқ 61-75 дақиқаларда урилган. Айнан гликоген пасайган пайтда. Буни тактик ва стратегик ўзгаришлар билан тушунтириш мумкин, аммо кўпроқ чарчок бунга шароит яратди.

«Football Medicine» тадқиқотига кўра ўйинга бир неча кун қолганда диетанинг бой углеводлари билан танадаги гликоген даражасини кўтариш чарчок секинлашишига ёрдам беради.

Учрашув давомида қондаги глюкоза концентрациясини барқарор ушлаб туриш учун ўйиндан олдин ва баҳс давомида углевод тановул қилиш тавсия этилади. Аммо бунинг ўзига хос нозик жиҳатлари бор.

Углевод тановул қилиш ўйиннинг биринчи яримида глюкоза даражасини кўтаришга ёрдам беради, аммо бутун баҳс давомида қондаги глюкоза миқдорини ушлаб тура олмайди. Иккинчи бўлимнинг дастлабки 15 дақиқасида барибир гликозанинг вақтинча пасайиши – гипогликемия содир бўлади. Гипогликемия ўйин пайти углеводи бор ичмиллик ичган одамларнинг 60 фоизда содир бўлади.

Бу жисмоний юкламалар туфайли ишлаб чиқиладиган инсулиннинг таъсирчанлигига боғлиқ бўлиши мумкин. Инсулин – вужуддаги углеводлар алмашинувини назорат қилувчи гормон. Унинг асосий вазифаси – қондаги

глюкоза концентрациясини камайтириш. Инсулиннинг акс таъсири ҳам бор. Баъзи спортчилар қанд касалига чалинган бўлади. Масалан, «Реал» ҳимоячиси Начо Фернандес. У ўн икки ёшдан бери инсулин қабул қилади ва доимо қондаги шакар ва глюкоза миқдори назорат қилиши шарт.

УГЛЕВОД ҚАБУЛ ҚИЛИШНИНГ ИДЕАЛ ФОРМУЛАСИ ЙЎҚ

Углеводларнинг қондаги реакция динамикаси уни қабул қилиш вақтига боғлиқ. Ҳеч бир ҳолатда спортчи тўлиқ фойда кўрмайди.

Хотиржам ҳолатда углевод қабул қилсангиз қондаги глюкоза миқдори ошади, у эса инсулин ажралишига сабабчи бўлиб, ҳар иккинсининг қондаги даражаси нормаллашади.

Агар углеводни ўйин пайти, масалан, биринчи бўлимнинг ўртасида қабул қилсангиз (Месси каби) инсулин ажралиши секинлашади ва сизда оддий қилиб айтганда катта куч пайдо бўлади.

Қондаги глюкоза миқдори ўйин пайтида қарор қилиш ва маълум бир ҳаракатларни бажаришда катта рол ўйнайди. Масалан, қонда глюкоза кўп бўлса сиз тез ўйлайсиз, вазиятни яхшироқ тушунасиз. Бироқ вақтдан ташқари қандай углеводларни қабул қилиш кераклигини билиш ҳам муҳим.

Масалан, изомальтулоза, фруктоза, галактоза ёки трегалоза каби углеводларни катта дозада қабул қилсангиз, ошқозонда муаммолар пайдо бўлиши мумкин. Бир неча йил олдин Месси ўйин пайти қайт қилганини эсласангиз керак. Аммо сўнгги бор бундай ҳолат 2016 йилнинг декабрида бўлган.

Ўшандан бери Леонел камералар қаршида қайт қилмади. Бу нотўғри углеводлар туфайли содир бўлгани исботланмаган. Аммо шунга қарамай «Барселона» шифокорлари препарат қабул қилишнинг тўғри формуласини топди деб тахмин қилиш мумкин.

манба: chempionat.asia

HUQUQ

YURIDIK GAZETA

MUASSIS:

O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi

BOSH MUHARRIR:

Jahongir MAKSUMOV

TAHRIIR HAYATI:

**Erkin YULDASHEV
Halim BOLTAYEV
Sodigjon NAZAROV
Hayot SHAMSUTDINOV
Utkirjon DEXKANOV
Maqsudali QAMBAROV**

TAHRIIRIYAT MANZILI:

Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.

**Telefon: 233-98-40,
Faks: 233-10-53,
233-64-85**



www.huquq.uz

Info@huquq.uz

Tahririyatga kelgan ko'pyozmalar taqriuz qilinmaydi va egalariга qaytarilmaydi. Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin. «HUQUQ» materiallari ko'chirib bosilganda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatish shart. **f** – tijorat materiallari.

Buyurtma v-4127
20 000 nusxada bosildi.
Og'oz bichimi A-3, hajmi 3 basma toboq.
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida teriladi va sahilalanadi. «HUQUQ» original maketi.

Navbatchi muharrir: **U.DEXKANOV**
Sahifalovchi: **S.BABAJANOV**

Gazeta haftaning payshanba kuni chiqadi.
Sotuvda kelishilgan narxda

Nashr ko'rsatkichi 231

Gazeta «O'zbekiston» nashriyot matbaa ijodiy uyida chop etildi.
Korxonа manzili: Toshkent shahar, Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00.
Toshpinihi: 20.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 2009-йil 12-oktabrda 0188-raqam bilan ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-7617



Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Ўзбекистон Республикаси Харбий прокуратураси жамоаси Республика Харбий прокурорининг катта ёрдამчиси Шавкат Ражабовга падари бузруквори **Жумабай РАЖАБОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

«Сарой жавоҳири» телесериалидаги Тангем роли ижрочиси Ли Ёнг Э ўзи иштирокидаги 3 миллион долларлик янги сериални Ўзбекистонга беминнат ҳада қилди.

23-APREL 2020-Y.

HUQUQ № 16

(1213)

11

Норвегияда боғчалар очилмоқда

Норвегия коронавирус пандемияси туфайли ёпилган болалар боғчаларини яна очаяпти. Бу ҳақда Норвегия телеграф бюросига таяниб, «Korrespondent.net» хабар берди.

Таъкидланишича, мактабгача таълим муассасаларининг очилишига қарамай кўп-лаб ота-оналар хозирча фарзандлари уйда қолишни маъқул кўрмоқда.

Шунингдек, 20 апрелдан бошлаб норвегияликларга ўз дачаларига боришга руҳбат этилди.



Аввалроқ Австрияда коронавирус тарқалишининг олдини олиш мақсадида жорий этилган чекловлар секин-аста бекор қилинаётгани ҳақида хабар берилганди.

Норвегия ҳукуматининг қарорига кўра ёпилган муассасалар секин-аста очила бошлайди: боғчалар яна ишга тушади ва бошланғич синф ўқувчилари мактабга бориши, талабалар ОТМларга қайтиб, ўқишни тамомлаши мумкин бўлади. Бундан ташқари, сартарошхона ва бошқа кўплаб муассасалар ишлаб бошлайди.

АҚШ қарзга ботиши мумкин

АҚШнинг давлат қарзи ва Америка корпорацияларининг қарзлари коронавирус туфайли 2020 йилда рекорд даражага етиши мумкин деб ёзмоқда «The Washington Post».

Қайд этилишича, мамлакатда бюджет тақчиллиги қарийб 4 триллион долларга чатади. Бундай кўрсаткич сўнгги бор 1945 йилда қайд этилган.

Хусусий секторда ҳам шундай вазият кузатилаёпти. Охириги йилларда кредитларга ҳаддан ташқари ишонган кўплаб йирик корпорациялар инкироз даврида қарзларини кўпайтирмоқда. Мутахассисларнинг фикрича, муайян босқичда ушбу компаниялар ёки кредитларни копламаслик ёки ходимлар сонини қисқартиришни танлашга тўғри келади.

Шунингдек, қайд этилишича, АҚШда ишсизлик даражаси Буюк тушқунлик давридан (1929 – 1933-йиллар) буён кузатилмаган даражага етди.

Иқтисодчиларнинг фикрича, бундай қарздорлик иқтисодиётда қайтарилмас ўзгаришларга олиб келади ва бу пандемия тугаганидан кейин ҳам салбий таъсир кўрсатишда давом этади.

Эслаб ўтамиз, АҚШда коронавирус тарқалиши билан боғлиқ дунёдаги энг мураккаб вазият юзага келган.

ВИРУС ПОЙАБЗАЛДАН ҲАМ ЮҚАДИМИ?

АҚШ касалликларни назорат ва профилактика қилиш маркази (CDC) эълон қилган янги маълумотлар кўплаб америкаликларни хавотирга солди. Аслида бунга асос бормикан?

Ҳап шундаки, мазкур маъруза асосида эълон қилинган қатор мақолалар «Коронавирус полда ва пойабзалда яшаш мумкин», «Кроссовкаларингиз “Covid-19”ни юктириб олиши мумкин» каби ваҳимали сарлавҳалар билан берилди. Табиийки, буларни ўқиган кўпчилик, айниқса пойабзалини ташқарида қолдирмайдиган ёки уйда ҳам оёқийимини ўзгартирмайдиганлар ўзларини устидан қимдир муздай сув куйиб юборгандек ҳис қилган бўлса ажаб эмас.

Бирок маърузанинг оригинал вариантини топиб, тўлиқ ўқиб чиқилса, ҳаммаси бу даражада қўрқинчли эмаслиги ойдинлашади. Америкалик журналист Ямина Тайагининг таъбири билан айтганда, «бугунги кунда тозаланиш энг муҳим мезонлардан бири эканлигига шубҳа йўқ бўлса-да, маърузани янада пухта ўрганиб чиққан маъқул».

Маълумки, янги коронавирус яқин масофадаги одамларнинг бевоқиф алоқаси, шунингдек, йўтал, аксирини ва хатто мулоқот даврида сачраган сўлак томчилари орқали юқади.

Бошқа тадқиқотлардан сўнг вирус пўлат, пластик, ойна каби силлик юзаларда узоқ вақт сақланиб қолиши ҳам аён бўлган эди.

Америкалик олимларнинг мазкур тадқиқоти эса вирус шифохонага хос турли юзалар, буюмларда қанча яшаб қолишини аниқлашга қаратилди. Мазкур тажриба Ухандаги

юқумли касалликлар шифохонасининг интенсив терапия бўлимаси ва умумий палатасида ўтказилди.

Илмий жамоа касалхонадаги қатор юзалар: поллар, компьютер сичқончалари, чиқинди идишлари, койкалар тутқичлари, беморлар учун никоблар, индивидуал ҳимоя воситалари қатори пойабзалларни ҳам текшириб чиқди. Интенсив терапия бўлимасидаги кўплаб объектлар қатори у ерда бўлган ходимларнинг пойабзалларида ҳам вирус аниқланган. Умумий палата эса бу борада анча тоза бўлиб чиқди. Шу боис олимлар Covid-19 беморлари ётган палатадан чиқишдан олдин тиббиёт ходимларига пойабзалини дезинфекция қилишни қатъий таъсия этишди.

Ҳўш, у ҳолда оддий одамлар нима қилиши керак? Улар ҳам вирус тушган жойлардан ўтиши мумкин-ку? Ўзингиздаги хавотирни боса олмайётган бўлсангиз-да, бунинг ҳам йўли бор. Тажрибали тиббиёт ходимлари уйининг эшиги тагига ёзилган гиламчасти устига хлор эритмасига ботирилган мато ташлаб қўйишади. Эшикдан киришда ана шу хлорли юзага оёқийимларини яхшилаб артишади.

Қўлни совулаб ювиш, антисептиклар билан ишлов бериш, эшик тутқичлари ва чирок ёққичларини тозалаш юриш, хавфсиз масофа ва ўзини ўзи яқкалаш қондаларига роя этиш ҳақида-ку гапирмаса ҳам бўлади. Буларнинг барчаси ҳаммамизни касалликдан асрайди.



Хитойда сайёҳлик объектлари иш бошлади

Хитойда диққатга сазовор 3770 та сайёҳлик маркази фаолиятини қайта йўлга қўйди ва онлайн бронлаштиришни бошлади деб хабар беради «China Daily» газетаси.

Мамлакатдаги бепул кириладиган кўплаб туристик объектлар ва музейлар, жумладан, Ханчжоудаги Лянжу археологик харобаларига кириш учун олдиндан онлайн бронлаштириш талаб қилинмоқда.

«Сайёҳлар сафарларини олдиндан брон қилишга одатланиши фойдалидир,

чунки бир жойга тўда бўлмайди», – деди онлайн бронлаштириш компанияси вакили Ю Сюэцзян.

Маданият ва туризм вазирлиги ҳамда соғлиқни сақлаш миллий комиссияси яқинда сайёҳларни қабул қилиш тартибини эълон қилди. Унга биноан қайта иш бошлаган объектлар ўзларининг қўнлик сайёҳлик оқимининг 30 фоизини таъминлаш назарда тутилган.

Шунингдек, туристларга хизмат кўрсатувчи сайтлар сайёҳларга бориб кўрадиган объектларини олдиндан брон қилиш амалиётини рағбатлантиришни лозим. Бу меҳмонлар оқимини назорат қилиш ҳамда одамларнинг бир жойга йиғилиб қолмаслиги учун керак дейилади хабарда.



Италия катта зарар кўради

Бу йил Италияда барча спорт мусобақаларининг бекор қилиниши 60 млрд. евро миқдоридаги маблағ йўқотилишига сабаб бўлиши мумкин. Бу ҳақида «Corriere dello Sport» хабар қилмоқда.

Айни пайтда коронавирус пандемияси туфайли мамлакатда спортнинг барча турлари бўйича мусобақалар тўхтатилган. Улар тикланмаса, йўқотишлар Италия ЯИМнинг 3,8 фоизига етиши кутилмоқда. Бу мамлакат бўйлаб 14 млн. кишига бевоқифа ёки билвосита таъсир қилади.



Сон ҳарбий хизматни бошлади

«Daily Mail» хабарига кўра футболчи Сон Хён Мин Жежу оролида жойлашган денгизчилар машғулотига юборилган.

Футболчини кўздан ёш оқизадиган газ билан ишлаш, ҳарбий қуролдан ўқ отиш ва деярли 30 километрлик масофани босиб ўтиш каби синовлар кутмоқда.

Эслаб ўтамиз, Сон Хён Мин 2018 йилда Жанубий Корея жамоаси Осие ўйинларида ғалаба қозонишига ёрдам бергани сабабли атиги уч ҳафта ҳарбий хизматда бўлади.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди